



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

БМТ оламшумул янги динга чақирмоқда ҳамда жинсий эркинлик ва порнографияга тарғиб қилиш масалаларини қабул қилмоқда

Иброҳимий динига бўлган даъват адаштириш ва бузишдир!

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

Людовик тўққизинчи изидан... Муслмонларга қарши урушлар давом этмоқда

Намунавий иқтисод низоми (7)

(Исломий иқтисод ни-зомининг қоидалари)



437

Ўттиз еттинчи
йил чиқиши
Жумодуссониё 1444х
Январ 2023м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** БМТ оламшумул янги динга чақирмоқда ҳамда жинсий эркинлик ва порнографияга тарғиб қилиш масалаларини қабул қилмоқда..... 3
- Намунавий иқтисод низоми (7) 9
- Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?..... 30
- Иброҳимий динига бўлган даъват адаштириш ва бузишдир!..... 39
- Людовик тўққизинчи изидан... Муслмонларга қарши урушлар давом этмоқда 49
- **Олам муслмонлари хабарлари** 56
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 62
- **Жаннат боғлари:** Росулulloҳ ﷺ ни душманларидан ҳимоя қилиш ва асраш..... 69
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Ҳанзала ибн Абу Омир... Уҳуд куниди фаришталар томонидан ювилган саҳоба 76
- **Сўнги сўз:** Ҳиндистон кашмирда (Исроил)нинг турар жой қуриш мустамлакачиликдан андоза олмоқда 79
- Қиличдорўғли ва унинг баҳс-жанжалларга сабаб бўлган америкалик маслаҳатчиси 80

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БМТ ОЛАМШУМУЛ ЯНГИ ДИНГА ЧАҚИРМОҚДА ҲАМДА ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИК ВА ПОРНОГРАФИЯГА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жинсий эркинлик ва порнографияга тарғиб қилиш масалалари бўйича конференциялар ўтказиб, буни «гендер тенглиги», «биргалиқда яшаш», «ЛГБТ ҳуқуқлари», «жинсий таълим» ва «репродуктив саломатлик» каби номлар остида амалга оширмоқда. Маълумки, бу атамалар гомосексуалликни инсон ҳуқуқлари доирасига кирадиган қонуний хатти-ҳаракат сифатида қабул қилишга ва бундай иш билан шуғулланадиган кишиларни тиббий ёрдам ва ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлашга қаратилган. БМТ одатда CEDAW конвенцияси каби халқаро шартномалари орқали фаолият юритиб, ҳукуматларни фақатгина қонуний муносабатлар (яъни никоҳ) ёки инсон табиатига зид муносабатлар (яъни гомосексуализм) ҳақида гапиравермасдан, ўсмир ўғил ва қизларга ҳомилани олдини олиш (контрацепсия) усуллари билан ёрдам беришга чақириб келади.

БМТ, шунингдек, ҳукуматлардан дунё мамлакатларига асосий қўлланма бўлиши учун репродуктив саломатликни мактаб ўқув дастурларига киритишни ва уни кундалик синфларда ўргатишни зўр бериб талаб қилмоқда. БМТга кўра ўқув дастурларига киритилиши керак бўлган нарсалар қуйидагилардир: (икки жинс ўртасидаги ўзаро муносабат, аборт, ҳомиладорликдан сақланган ҳолда жинсий алоқада бўлиш, ўсмирнинг жинсий ориентациясини аниқлашига ёрдам бериш (яъни қайси жинс билан жинсий алоқа қилишни афзал кўришини белгилаш), балоғат ёшига етгач, мастурбация йўли билан ўзини жинсий қондириш, нормал муносабат ўрнига ғайритабиий муносабатларни альтернатива сифатида қабул қилиш. 15-18 ёшдан бошлаб уларга қуйидаги мавзулар қўшилади: аёллар аборт қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, диний таълимотлар ва урф-одатларга бўлган ҳурматнинг шахсий ҳуқуқларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, уят расмлар жинсий туйғунни қўзғашига ҳеч қандай далил йўқ,

ўсмирларга ушбу муносабатлар ва тўхташ лозим бўлган чегаралар тўғрисида қандай диалог ўтказишни ўргатиш).

Бугунги кунда эркак ва аёл ўртасида жинсий алоқани тўғри шаклда олиб боришни белгилаб берадиган тизимдан узилган ҳолда, бошбошдоқлик билан амалга оширишга очикдан-очик тарғиб бўлаётган экан, ёки БМТ томонидан жинсий тартибсизликка даъват қилинаётган бир пайтда, нафақат муслмон, балки барча инсонда табиий савол туғилади: нима учун БМТ бундай масъулиятсиз ва шубҳали сиёсат олиб бормоқда? Унинг ҳатто ҳайвонот оламида ҳам қабул қилинмайдиган бундай муносабатларга чақиришдан мақсади нима?

Бунинг жавоби шуки, БМТ Қўшма Штатлар дунёга татбиқ қилмоқчи бўлаётган янги дунё тартиби доирасида янги глобал ақидага чақирмоқда. Бироз орқага қайтадиган бўлсак, милодий 1999 йилда «Янги дунё таълимоти» номли китоб нашр этилганига гувоҳ бўламиз. Унинг муаллифи асли немис ва хорват бўлган америкалик Гари Кахадир. У АҚШ ҳукуматида муҳим лавозимларда ишлаган бўлиб, халқаро парламентлар ва конституциялар федерациясининг аъзоси бўлган. Гари Каха бу китобни БМТнинг тобора кучайиб бораётган хавфидан огоҳлантириш учун ёзган. Унга кўра, бу хавф шундан иборатки, БМТ нафақат янги дунё тартибини яратиш воситасидир, балки замон руҳига мос ва тафаккур тараққиёти билан ҳамнафас деб ҳисоблаган янги глобал ақидани ҳам яратиш воситасидир.

Ёзувчи бу чақирув ортида Америка турганини ўз сўзлари билан очиб берар экан, бундай дейди: «БМТ йиллар давомида, яъни ташкил этилганидан бошлаб бугунги кунгача глобал ахлоқий тизимни жорий этиш уринишларидан воз кечмади. Бироқ, кўплаб тўсиқлар олдинга силжишга тўсқинлик қилди, улардан энг муҳими АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасидаги совуқ уруш эди. Лекин Совет Иттифоқи қулаганидан кейин, Қўшма Штатлар олдида ўз глобал кун тартибини ўрнатиши учун ҳеч қандай тўсиқ қолмади. Шунинг учун унинг қадамлари тезлашди, дастурлари давом этди ва баёнотлари тез-тез бўлиб, бу дунё тартибини ўзгартириш ҳақидаги ниятини ошкор қилди».

Ёзувчи БМТда турли лавозимларда 38 йил ишлаган, жумладан БМТ бош котиби ёрдамчиси бўлиб ишлаган ҳамда БМТнинг учта энг муҳим котиблари У Тан, Курт Вальдхайм, Хавьер Перес де

Куэльярлар билан замондош бўлган, шунингдек, «Файласуф» ва «Умид элчиси» лақабларини олган Роберт Мюллернинг сўзларидан бундай иқтибос келтиради: «Мен бу сайёрадаги тинчлигимиз, адолат ва ҳамжиҳатлигимиз келажаги глобал ҳукуматга эмас, балки коинот ваҳийсига ва коинот ҳукуматига боғлиқ бўлишига қатъий ишона бошладим. Шу маънодаки, биз табиий, эволюцион, универсал ва коинот қонунларини қўллашга муҳтожмиз. Бу қонунларнинг аксарияти буюк динларда ва буюк башоратларда учрайди. Улар яқинда глобал ташкилотлар томонидан аста-секин қайта кашф қилинади». Ёзувчи ўз китобида Роберт Мюллернинг сўзларидан яна иқтибос келтиради: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ҳеч қандай инсоний куч йўқ қила олмайди. Чунки у шунчаки бинолар ёки ғоялар эмас. Шунингдек, инсон томонидан ижод қилинган нарса ҳам эмас. Аксинча, у мутлақ олий зотдан келадиган ҳидоят нуридир... У зот БМТнинг меҳрибон ва ёрдам берувчи юраги орқали ер юзидаги ғалабасининг қўнғироқларини чалади».

1993 йил 28 август билан 5 сентябр кунлари мобайнида Американинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон динлари парламентида Ханс Кюнг (Глобал ақида сари: дастлабки декларация) номли маърузасини тақдим этди. Кейин бу мақола милодий 1991 йилда нашр этилган (Олабий масъулият: Умумжаҳон таълимотни излаш) номли китобга киргизилди. Унда бу эътиқодга ўтиш ихтиёрий эмаслиги таъкидланиб, жумладан бундай дейилган: «Очиғини айтадиган бўлсак, келажакда насронийлик, Ислом, яҳудийлик ёки шунга ўхшаш танг ва қолоқ (репрессив) ақида қолмайди. Агар ақидалар ҳаммининг фаровонлиги учун мўлжалланган бўлса, улар бўлинмаслиги керак. Чунки замонавий эркак ва аёл умумий қадриятлар, мақсадлар, намуналар ва тасаввурларга муҳтож. Шу ерда мунозарали савол туғилади: Бу нарсалар янги ақида лозимлигини кўрсатмайдими?! Зеро, бизга глобал ақидавий тизим керак».

БМТ мана шундай янги ақидавий тизимни ўрнатишга жиддий ҳаракат қилмоқда. Уни инсон эволюцияси жараёнини яқунлайдиган зарурат ҳамда пайғамбарлар ҳаётга қайтсалар албатта олқишлайдиган рисолат, деб билади. Роберт Мюллер айтади: «Агар Масих яна ер юзига қайтса, биринчи БМТни зиёрат қилади ва унинг инсоният бирлиги ва биродарлиги ҳақидаги

орзуси ушалганини кўради. Масиҳ, шунингдек, Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб, бой ва камбағал, мўмин ва кофир, катта ва кичик, муҳтож ва ёрдамчилардан иборат барча халқларнинг вакиллари инсониятнинг дунёқараши ва эҳтиёжлари ҳақидаги абадий саволларга жавоб топиш учун ҳаракат қилаётганини кўриб, хурсанд бўлади». У ўз сўзида давом этиб, бундай дейди: «Машҳур расмда Масиҳ БМТнинг улкан, баланд биноси эшигини тақиллатиб, унга киришни хоҳлаётгани тасвирланган. Мен эса кўпинча ҳаёлимда бошқа расмни ва аниқроқ чизмани тасаввур қиламан. БМТ биноси айнан Масиҳ танасидир». У яна айтади: «БМТ эртами кечми руҳий ўлчамга эга бўлиши муқаррар».

Бу чақириқ БМТ ниқоби остидаги Америка чақириғи бўлиб, Совет Иттифоқи парчаланиб, совуқ уруш тугагунга қадар унга йўл топа олмаган эски чақириқдир. Бошқача қилиб айтганда, бу Американинг дунё устидан ҳукмронлигида «Бир қутблилик» сиёсатига асосланган янги халқаро тартибни жорий этишга интилиши билан боғлиқ даъватдир. Биз бу ерда Американинг инсоният учун ягона универсал дин ҳамда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар учун ягона шармандали тушунчани пайдо қилишга бўлган ҳаракати президент Байден маъмурияти даврида кучайганини кўрамыз. Зеро, унинг маъмурияти ташкил этилганидан бошлаб янги дунёга (бир қутбли) тасаввурни олиб келадиган халқаро ҳаракатларни амалга оширишга эътибор қаратган. Шунинг учун Америка Афғонистон, Ироқ ва Суриядан чиқиб кетиб, Россия билан Украина ўртасида уруш эшигини очди. У, шунингдек, Хитойни қамал қилишга ҳамда у билан унинг атрофидаги давлатлар ўртасида уруш эшигини очишга ҳаракат қилмоқда...

Байден маъмурияти бу низолар ва урушларга бевосита аралашмаслик, балки халқаро мавқеда ўзига рақобатчи бўлган давлатларни чарчатиш, шу тариқа уларни заифлаштириш ва ўзи билан рақобат қилиш қобилятини заифлаштириш учун уларнинг ораларида уруш оловини ёқиш ва кенгайтиришга қарор қилди... Ҳа, бу маъмурият ташкил топгандан бошлаб маънавий таназзулга бўлган даъват кучайди. Биз америкалик сиёсатчиларнинг Америка нуқтаи назарини ўтказиш учун бошқа мамлакатларга сиёсий босим ўтказишга қаратилган баёнотларини тез-тез эшитиб қоламыз. Дарҳақиқат, АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен «Политико»

нашрига берган интервьюсида Саудия Арабистони расмийлари билан учрашувларида «ҳар доим, ҳар бир суҳбатда «ЛГБТ ҳуқуқлари масаласини кўтаришини айтди.

Булар янги халқаро тизимнинг аломатларидан бири бўлиб, унинг тарафдорларига Аллоҳ томонидан яқинда ва ҳеч ким қайтара олмайдиган жазо ваъда қилинган. Аллоҳ Таоло Ҳуд сурасида тарихда биринчи гомосексуаллардан бўлган ва Аллоҳ уларни бутунлай йўқ қилган Лут қавми ҳақида бундай дейди:

﴿وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِئَاءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالَ هَذَا يَوْمٌ عَصِيبٌ ﴿٧٧﴾ وَجَاءَهُ قَوْمُهُ يُهْرَعُونَ إِلَيْهِ وَمِنْ قَبْلُ كَانُوا يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ قَالَ يَفْقَوْمَ هَؤُلَاءِ بَنَاتِي هُنَّ أَطْهَرُ لَكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَلَا تُخْزُونِ فِي ضَيْفِي أَلَيْسَ مِنْكُمْ رَجُلٌ رَشِيدٌ ﴿٧٨﴾ قَالُوا لَقَدْ عَلِمْتَ مَا لَنَا فِي بَنَاتِكَ مِنْ حَقٍّ وَإِنَّكَ لَتَعْلَمُ مَا نُرِيدُ ﴿٧٩﴾ قَالَ لَوْ أَنَّ لِي بِكُمْ قُوَّةٌ أَوْ آوَايَ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ ﴿٨٠﴾ قَالُوا يَلُوطُ إِنَّا رُسُلُ رَبِّكَ لَنْ يَصِلُوا إِلَيْكَ فَأَسْرِ بِأَهْلِكَ بِقِطْعٍ مِّنَ اللَّيْلِ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنكُمْ أَحَدٌ إِلَّا أُمَّرَاتَكَ إِنَّهُ مُصِيبُهَا مَا أَصَابَهُمْ إِنَّ مَوْعِدَهُمُ الصُّبْحُ أَلَيْسَ الصُّبْحُ بِقَرِيبٍ ﴿٨١﴾ فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَلَىٰهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَابَةً مِّنَ سَجِيلٍ مِّنْصُودٍ ﴿٨٢﴾ مُسَوِّمَةً عِنْدَ رَبِّكَ وَمَا هِيَ مِنَ الظَّالِمِينَ بِبَعِيدٍ﴾

«77. Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилиб, деди: «Бу кун оғир кундир». 78. (Дарҳақиқат, Лут пайғамбарнинг ҳузурига йигитлар келганини эшитишгач) қавми унинг олдига чопиб келишди, илгаридан ёмон ишлар – баччабозлик қилар эдилар. У айтди: «Эй, қавмим, анави қизларим (яъни, шаҳримиздаги қизлар) сизлар учун покроқ-ку (яъни, ўшаларга уйланаверсангизлар бўлмайдими)?! Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда бирон тўғри йўлга юргувчи киши йўқми?!». 79. Улар дедилар: «Сен қизларингга муҳтож эмаслигимизни аниқ биласан. Шунингдек, биз нимани исташимизни ҳам жуда яхши биласан». 80. (Лут) деди: «Қани эди, сизларга кучим етса ёки кучли бир суянчиғим бўлса». 81. (Шунда фаришталар) айтдилар: «Эй Лут, биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Улар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, сен кечанинг (қолган) қисмида аҳли оилангни

олиб чиқиб кетгин ва сизларнинг ичингиздан хотинингдан бошқа ҳеч ким атрофга алангласин! Зотан, унга (хотинингга) ҳам уларга етган бало етгувчидир. Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!». 82-83. Энди қачонки Бизнинг фармонимиз (яъни азобимиз) келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг (кофирларнинг) устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик. (Эй Муҳаммад), у жойлар бу зolimлардан (яъни Макка мушрикларидан) йироқ эмасдир, (яъни, ўша кофирларнинг оқибати нима бўлганини кўриб ибрат олсалар бўлмайдими?!)» [Ҳуд 77-83] □

НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (7) (ИСЛОМИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИНИНГ ҚОИДАЛАРИ)

Д. Маҳмуд Абдулҳодий

Иккинчи қоида:

Молни тасарруф этиш кайфияти:

Молни тасарруф этиш ҳуқуқи унга эгалик қилишнинг маъносидир. У Шорёнинг рухсати билан чекланган. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи қуйидагиларни ўз ичига олади: **1 – Мулкни ўстиришни тасарруф этиш ҳуқуқи. 2 – Молни ҳадя ва нафақа сифатида сарфлаш ҳуқуқи.**

1 – Мулкни ўстириш: У мол (пул)ни ўстиришдан фарқ қилади. Иқтисод низомининг молни ўстиришга алоқаси йўқ. Чунки молни ўстириш услуб ва воситаларга, яъни илм-фанга боғлиқ. Иқтисод низоми мулкни ўстиришга аралашади. Мулкни ўстириш Шорё белгилаган чегаралар билан чекланади ва у уч нарсадан келиб чиқади: **Деҳқончилик; Савдо; Саноат.**

Қуйида иқтисодий назариянинг ушбу уч манбасига оид аҳкомларни умумий тарзда баён қиламиз.

а) Деҳқончилик аҳкомлари: Шариат ер ва унга алоқадор нарсалар баёнида деҳқончиликка оид аҳкомларни кўрсатиб берган. У қуйидагича: Ернинг асли ва манфаати бор. У ё хирожий ёки ушрий ер бўлади. Мусулмонлар куч билан фатҳ қилган Арабистон ярим оролидан ташқаридаги ерлар ёки сулҳ билан фатҳ этилиб, ерлари мусулмонлар ихтиёрига ўтган ва бу билан давлат мулкига айланган ерлар хирожий ерлар ҳисобланади. Индонезия каби аҳолиси Исломга кирган барча ерлар ва Арабистон ярим оролидаги барча ерлар ушрий ер ҳисобланади. Агар ер сулҳ билан фатҳ этилиб, мусулмонлар ихтиёрига ўтган ва улар ерни маълум хирож эвазига аҳолисига қолдирган бўлса, бу хирож жизя ҳисобланади. Аҳолининг Исломга кириши ёки ер мусулмонга сотилиши билан жизя соқит бўлади. Чунки мусулмоннинг жизя тўлаши вожиб эмас. Агар ер кофирга сотилган бўлса, хирож боқий қолади. Ушрий ернинг ҳосилидан закот олинади. Агар ер ёмғир суви билан суғорилса ўндан бири ва агар сунъий йўл билан суғорилса йигирмадан бири олинади. Закот Байтулмолга қўйилади ва саккиз ўриндан бошқа ўринга сарфланмайди. Закот мусулмон бўлмаган кишидан олинмайди, чунки у закот аҳлидан эмас. Шунингдек, арпа, майиз ва хурмо каби тўрт турли нарсалар ҳосилидан ҳам олинмайди. Хирожга келсак, у ернинг кўтара

олишига, одатда ҳосилига қараб ўлчанади. Ер ҳосил бердими ёки бермадими, ерга экин экилдими ёки экилмадими бундан қатъий назар, хирож ҳар йили олинади. Агар хирож ернинг майдонига нисбатан белгиланган бўлса, қамарий сананинг охирида олинади. Чунки шариатда шу сана эътиборлидир. Агар экиннинг ҳажмига нисбатан белгиланган бўлса, шамсий сананинг охирида олинади. Чунки ёмғирлар ва деҳқончилик ишлари шу сана билан ўлчанади. Хирожи белгиланган хирожий ерлар то абад хирожий ер бўлиб қолади. Агар аҳолиси Исломга кирса ёки ер мусулмонга сотилса, бу ердан хирожга қўшимча, ушр ҳам белгиланади.

Ер ушрий ёки хирожий ер бўлишидан қатъий назар, унга эгалик қилиш ўлик ерни тирилтириш билан бўлади. Ўлик ер – эгаси бўлмаган ва ҳеч ким фойдаланмайдиган ердир. Ерга эгалик қилиш ўраб олиш билан ҳам бўлади. Ерни ўраб олиш ҳам, уни тирилтиришга ўхшайди. Ерни тирилтириш унга эгалик қилишнинг сабабларидан биридир. Ернинг ажратиб берилиши ҳам, унга эгалик қилиш сабабидир, лекин у уни тирилтириш эмас. Ернинг ажратиб берилиши давлат ёки халифа томонидан мулк қилиб берилишидир. Шунинг учун бунда халифанинг рухсати керак. У қуйидаги ер турларида бўлади:

- Ҳолати илгари кимнингдир мулки бўлганини кўрсатиб турган экин экишга яроқли майдонлар.

- Илгари экин экилган, кейин харобазорга айланган ва унинг ажратиб берилиши бирон бир мусулмонга зарар етказмайдиган ер.

- Давлат қўли остида бўлган ўлик ерлар. Чунки бу ерлар денгиз ва дарё қирғоқлари каби шаҳар ва қишлоқларнинг объектларидан ҳисобланади.

- Эгаси уч йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида эътиборсиз қолдиргани учун давлатнинг қўлига ўтган ер.

Ажратиб берилган ердан фарқли равишда, ўлик ерни тирилтириш ёки ўраб олиш учун халифанинг рухсати керак эмас. Давлат томонидан шахсларга хирожий ердаги ерларнинг ажратиб берилиши, уларнинг асли Байтулмолда сақланиб қолгани ҳолда, манфаатини мулк қилиб беришдир. Аммо ушрий ерда ернинг асли ҳам, манфаати ҳам мулк қилиб берилади. Ушрий ердаги ўлик ерни тирилтирган одам, у мусулмон бўладими ёки кофирми бундан қатъий назар, унинг аслига ҳам, манфаатига ҳам эгалик қилади. Мусулмон учун бу ердан ушр бериши вожиб. Кофирдан эса, ушр

эмас хирож олинади. Чунки ушр закот бўлиб, кофир закот аҳлидан эмас. Ернинг белгиланган вазифасини, яъни ушрий ёки хирожий ерлигини бекор қилиш жоиз эмас.

Ким хирожий ердаги илгари хирожи белгиланмаган ўлик ерни тирилтирса, агар у мусулмон бўлса ернинг аслига ҳам, манфаатига ҳам эгалик қилади. Агар кофир бўлса, фақат манфаатига эгалик қилади. Ким хирожий ердаги илгари хирожи белгиланган ўлик ерни тирилтирса, унинг фақат манфаатига эгалик қилади. Ерга эга бўлган одамнинг мусулмон ёки кофир бўлишидан қатъий назар, бу ердан белгиланган хирож соқит бўлмайди. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً فَهِيَ لَهُ»

«Ким ўлик ерни тирилтирса, ер уникидир». Яна айтадилар:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَى أَرْضٍ فَهِيَ لَهُ»

«Ким ерни девор-тўсиқ билан ўраб олса, ер уникидир». Ва яна айтадилар:

«مَنْ أَعْمَرَ أَرْضًا لَيْسَتْ لِأَحَدٍ، فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا»

«Ким бирон бир кишига тегишли бўлмаган ерни ўзлаштирса, бу ерга у ҳақлироқдир».

Ерни тасарруф қилишга келсак, ерга ўраб олиш, халифанинг ажратиб бериши, тирилтириш, мерос қилиб олиш ва сотиб олиш орқали эгалик қилинади. Ерга эга бўлган ҳар бир киши ундан фойдаланишга мажбур қилинади. Лекин, ерни уч йил эътиборсиз ташлаб қўйса, ер ундан олиниб, бошқасига берилади. Умар رضي الله عنه айтади: «Уч йилдан кейин ўраб олувчининг ҳаққи қолмайди». Саҳобалар ерни уч йилишлатмай ташлаб қўйган кишидан ерни олиб, бошқасига беришга ижмоъ қилганлар. Масала ўраб олувчигагина хос эмас, балки ерга эга бўлиш тарзи қандай бўлишидан қатъий назар, агар ишлатмай ташлаб қўйса ер ундан тортиб олинади. Бу ерда иллат ернинг ишлатмай ташлаб қўйилишидир. Умар رضي الله عنه айтади: «Ким ерни уч йил обод қилмай ташлаб қўйсаю, бошқаси келиб уни обод қилса, ер уникидир». Ерни обод қилиш деҳқончилик ёки бошқа мақсадда ундан фойдаланишдир. Ерни ижарага бериш – у хирожий ер бўладими ёки ушрийми, уни пулга ижарага бериш бўладими ёки бошқа нарсагами, бундан қатъий назар – жоиз эмас. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ كَانَتْ لَهُ أَرْضٌ فَلْيُزْرِعْهَا، أَوْ لِيَمْنَحْهَا أَحَاهُ، فَإِنْ أَبِي فَلْيُمْسِكْ أَرْضَهُ»

«Кимнинг ери бўлса, экин эксин ёки биродарига берсин, агар беришни хоҳламаса, ерини ушлаб турсин». Бу ҳадисни Бухорий ривоят қилган. Муслимнинг саҳиҳида: **«Росулulloҳ ﷺ ер учун ҳақ ёки улуш олишдан қайтарганлар»**, деб келади.

б) Савдо аҳкомлари: Улар байъ ва ширкат аҳкомларидир. Аллоҳ байни ҳалол қилди ва у савдонинг бир қисмидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган» [Бақара 275] Савдо мулкни ўстириш турларидан биридир. Унинг аҳкомлари байъ ва ширкат аҳкомларида очиқ баён қилинган. Савдонинг иккита: ички ва ташқи савдо турлари мавжуд. Ички савдо – бу бир уммат вакиллари ўртасида бўладиган олди-сотди амалиётларидир. Уни давлат умумий тарзда назорат қилади ва ўзи у билан шуғулланмайди. Ички савдода байъга алоқадор аҳкомлардан ташқари чекловлар мавжуд эмас. Ташқи савдо – бу мамлакат ташқарисидан маҳсулот сотиб олиш ва мамлакат маҳсулотларини ташқарига сотишдир. Бунда маҳсулотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки саноат маҳсулотлари бўлишининг фарқи йўқ. Ташқи савдони бевосита давлат назорат қилади. Чунки маҳсулот олиб кириш ва олиб чиқишнинг бевосита назоратини давлат бошқаради. Шунинг учун савдо аҳкомлари ширкатлар ва ташқи савдо аҳкомларини баён қилиш билан аниқ бўлади.

Ширкат аҳкомлари: Ширкатнинг луғавий маъноси икки улушнинг бир-биридан ажралмайдиган даражада аралашувидир. Шаръий маъноси икки ёки ундан ортиқ шахс ўртасида бирон-бир молиявий ишни қилишга келишиб тузилган битимдир. Бошқа битимлар каби ширкат битими ҳам таклиф ва қабулни тақозо этади. Ширкат ё мулк ширкати ёки битим ширкати бўлади. Мулк ширкати икки киши эга бўлган нарсанинг ўзидаги шерикликдир. Битим ширкати мулкни кўпайтириш борасидаги баҳс мавзусидир. Ислонда битим ширкатлари беш турли бўлади: 1 – Инон (тизгин) ширкати. 2 – Абдон (тан) ширкати. 3 – Музораба ширкати. 4 – Вужух ширкати. 5 Муфовеза ширкати.

1 – Инон ширкати: У икки тан (шахс)нинг мол (пул)ларини ўртага қўйиб шериклик қилишидир. Унда сармоянинг нақд пул ёки пулга баҳоланган нарса бўлиши шарт қилинади. Фойда улар ўртасида келишилган шартга кўра, зиён мол нисбатига қараб бўлади. Икки шерик ёки шерикларнинг ҳар бири сотиш, сотиб олиш ва (сотмай) ушлаб қолишга ҳақли.

2 – Абдон (тан) ширкати: У икки ёки ундан ортиқ шахснинг пул қўймасдан фақат жисмонан, яъни қўл меҳнатлари билан касб қилиб топган нарсасида шериклик қилишидир. Бунда фойда келишувга қараб бўлади.

3 – Музораба ширкати: Музораба (қарз бериб туриш) деб аталади. У тан ва молнинг шериклик қилмоғидир. Унда фойда келишилган шартга кўра бўлади, зиён эса молга тушади ва у шерикларнинг келишувига боғлиқ бўлмайди. Иккита мол ва улардан бирининг жисмонан шериклик қилиши ҳам музораба ҳисобланади.

4 – Вужуҳ ширкати: У икки кишининг жисмонан бошқа учинчи одамнинг моли билан шериклик қилмоғидир. Яъни, бир киши икки ёки ундан ортиқ одамга музорабага пул беради. Вужуҳ ширкати моҳиятан музорабага мансуб. Икки ёки ундан ортиқ кишининг сармоялари бўлмаса-да савдогарларнинг уларга бўлган ишончидан келиб чиқиб сотиб олган нарсасида шериклик қилиши ҳам вужуҳ ширкати ҳисобланади. Фойда келишилган шартга кўра бўлади. Зарар уларнинг қарзга сотиб олинган маҳсулотдаги улушига қараб бўлинади, фойдаларига қараб эмас. Фойда улуши уларнинг сотиб олинган маҳсулотдаги улушидан фарқ қилишига келишиб олган бўлишлари ҳам мумкин.

5 – **Муфоваза ширкати:** У икки кишининг юқорида айтиб ўтилган ширкат турларининг барчасида шериклик қилишидир. Масалан, бир одам икки муҳандисга савдо-сотиқ мақсадида иморатлар қуришлари учун музорабага пул беради. Улар ўзларидагидан кўра кўпроқ пулни айлантиришга келишадилар ва савдогарларнинг уларга бўлган ишончидан фойдаланиб, пул бермасдан товар олишади. Ширкат – у қайси турдаги ширкат бўлишидан қатъий назар – икки шерикдан бирининг ўлиши ёки ақлдан озиши ёки шартномани бекор қилиши билан бузилади. Агар икки шерикдан бири ўлиб, унинг меросхўри бўлса, у ширкатда унинг ўрнини эгаллаши, шунингдек, ширкатнинг бўлинишини талаб қилиши мумкин.

Булар Исломдаги ширкат турларидир. Ушбу турларга кирмаган ширкат жоиз бўлмаган ширкат ҳисобланади. Масалан, акциядорлик жамиятлари капиталистик низом ширкатларидан бўлиб, улар жоиз эмас. Чунки Исломда ширкат битимдир. Исломда битим шартлари орасида таклиф ва қабул мавжуд бўлиши лозим. Акциядорлик жамиятларида эса, таклиф мавжуд эмас, балки фақат акциядорлар томонидан бўладиган қабул мавжуд. Шунингдек, Исломда ширкат шартларидан бири молни тасарруф қилувчи жисмоний шерикнинг бўлишидир. Бу акциядорлик жамиятида йўқ. Шунингдек, шериклардан бири вафот этган ёки ақлдан озган ва ёки келишувни бекор қилиб, бўлинишни истаган пайтда ширкатнинг ботил бўлишига ёки келишувнинг бекор қилинишига ва ёки давом этишига оид аҳкомлар акциядорлик жамиятида эътиборли эмас. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари шаръан ботилдир.

Ташқи савдо аҳкомлари: Ташқи савдо – бу битта давлат фуқаролари ўртасида эмас, балки халқлар ўртасида амалга ошириладиган олди-сотди операцияларидир. Шунинг учун давлат баъзи товарларнинг олиб чиқирилишини тақиқласа, баъзиларига рухсат беради, шунингдек, уруш ҳолатидаги давлатлар фуқароси бўлган ва шартнома асосида мамлакатда яшаётган савдогарлар мавзуси билан шуғулланади. Ички савдодан фарқли ўлароқ, ташқи савдо давлат томонидан назорат қилинади. Давлат ташқи савдони умумий тарзда назорат қилади. Шунинг учун чегарада давлатнинг фақиҳлар «масалиҳ» (чегара пунктлари) деб атайдиган марказлари бўлиши керак. Ушбу марказлар мамлакатга кириб келаётган ва олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотларни бевосита назорат қилади. Бевосита назорат қилишнинг маъноси шахслар ва молларнинг кириш-чиқирилишини тартибга солиш демакдир. Ислом аҳкомлари капиталистик низомнинг ташқи савдо ҳақидаги кўз қарашидан фарқ қилади. Капитализм маҳсулотга ва маҳсулотни ишлаб чиқарган жойга қарайди, кейин, маҳсулотга уни ишлаб чиқарган жой ҳукмини беради. Ислом эса, маҳсулотга эмас, балки савдогарга қарайди. Капитализм эътиборни маҳсулотга қаратса, Ислом шахсга қаратади. Ислом давлатига кириб келадиган ёки ундан чиқиб кетадиган савдогарлар уч синф бўлади: **1 – Муслмон ёки зиммий бўлишидан қатъий назар, давлатнинг фуқароси ҳисобланган кишилар. 2 – Давлат ҳудудига шартнома асосида кирганлар (муоҳидлар). 3 – Уруш ҳолатидаги давлат фуқаролари.**

Давлат фуқароларига келсак, уларнинг дорул ҳарбга (уруш ҳолатидаги давлатга) уруш аҳли урушда ишлатадиган нарсаларни – улар қурол бўладими ёки бошқа нарсами бундан қатъий назар – олиб бориши жоиз эмас. Чунки бу гуноҳ йўлида ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

﴿وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ﴾

«Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!» [Моида 2] Аммо муслмонларга қарши ёрдам бериш учун олиб чиқилмаса, жоиз. Бунда ҳам, дорул ҳарб ҳукман уруш ҳолатидаги давлат бўлса жоиз. Аммо (Исроил)га ўхшаган амалда уруш ҳолатидаги давлат бўлса, у билан савдо-сотиқ қилиш жоиз эмас. Аммо мамлакатга савдо маҳсулотларини олиб киришга келсак, муслмон ва зиммийнинг муслмон киши эга бўлиши мумкин бўлган барча нарсаларни олиб кириши жоиз. Давлат ҳудудига шартнома асосида кирган муоҳидларга келсак, уларга ташқи савдода улар билан тузилган шартнома қоидаларига мувофиқ муомала қилинади. Бироқ, улар бизнинг мамлакатлардан қурол-яроғ ва урушда ишлатиладиган барча нарсаларни сотиб ололмайдилар. Агар сотиб олсалар, уларнинг уруш ҳолатидаги давлатга айланиши мумкин бўлгани учун, сотиб олган нарсаларини олиб чиқиб кетишларига имкон берилмайди. Агар қурол таъсир кучига эга бўлмаган қурол бўлса ва ёрдам бериш даражасига етмаса, бу ўринда тақиқлаш иллоти, яъни душманни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам кўрсатиш йўқолади.

Аҳли ҳарбга келсак, уларнинг барчаси биз билан шартнома тузмаган ва Ислом давлати фуқароси бўлмаганлардир. Агар биз билан уларнинг ўртасида амалда уруш кетаётган бўлса, улар ҳақиқатдан аҳли ҳарб (уруш ҳолатидаги кимсалар) бўлиб, агар уларга омонлик берилмаган бўлса, уларни асирга олишимиз, ўлдириб мол-мулкни тортиб олишимиз мумкин. Агар амалда уруш кетмаётган бўлса, улар ҳукман аҳли ҳарб бўладилар. Бундай ҳолатда улар бизнинг юртларга омонликсиз, яъни кириш тўғрисидаги махсус рухсатсиз кирсаларгина уларни асирга олиш ва мол-мулкни тортиб олиш ҳалол бўлади. Бунда уларнинг ўзлари ёки моллари киришининг фарқи йўқ. Чунки бундай ҳолатда улар аҳли ҳарб ҳисобландилар ва моли ҳам уруш ҳолатидаги мол ҳисобланади. Аҳли ҳарбнинг бизнинг юртларда жони ва моли ҳимоя қилиниши учун унга омонлик берилиши шарт. Агар омонлик

берилмаган бўлса ҳимоя қилинмайди. Аҳли ҳарбнинг ўзига омонлик берилиши унинг молига ҳам омонлик бериш ҳисобланади. Агар аҳли ҳарбнинг ўзига омонлик берилиб кирган, молини ҳам олиб кириб кейин чиқиб кетган бўлса ҳамда ўзининг омонлигидан маҳрум бўлиб, молини муслмонга ёки зиммийга омонат қилиб топшириш орқали унинг (молининг) омонлигини сақлаб қолган бўлса, ўзининг омонлигидан маҳрум бўлиб, молининг омонлигини сақлаб қолган бўлади. Бундай ҳолатда аҳли ҳарб ўлса молининг омонлиги сақланиб қолади ва меросхўрига топширилади. Аммо агар молини ўзи билан олиб чиқиб кетиб, ўзининг омонлигидан маҳрум бўлган бўлса, молининг омонлигидан ҳам, моли билан тижорат қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади.

Савдога солинадиган солиқларга келсак, Ислом мол (товар)нинг турига ва унинг ишлаб чиқарилган жойига қарамайди, балки савдогарга (яъни уни ким олиб келаётганига) қарайди. Шунинг учун муслмон ва зиммийларнинг молларига умуман солиқ солинмайди. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ صَاحِبُ مَكْسٍ»

«Бож олувчи жаннатга кирмайди». Аҳли аҳд-муоҳидларга келсак, улардан биз билан уларнинг ўртасида тузилган шартномада белгиланган келишувга мувофиқ олинади ва агар шартномада уларнинг солиқдан озод қилингани белгиланган бўлса, солиқдан озод қилинадилар. Аҳли ҳарбга келсак, аҳли ҳарб савдогарнинг давлати савдогарларимиздан қандай солиқ олса, биз ҳам ундан оламиз. Абу Убайд айтади: «Умар رضي الله عنهнинг зиммийлардан нима учун ушрнинг ярмини олганини тушунишим менга қийин бўлди ва мен, улар закот олинадиган муслмонлар эмас, шунингдек, улар биздан олганидек, биз ҳам улардан олишимиз керак бўлган дорул ҳарб аҳолиси ҳам эмас, дедим. Мен буни тушунолмадим ва обдан ўйланиб, ниҳоят шунга оид бир ҳадисни топиб, Умарнинг аҳли ҳарб билан жизя ва ерга солинадиган хирождан ташқари бу борада шартнома тузганини билдим». Амволда бундай ривоят қилинади: «Биз муслмонлардан ҳам, муоҳидлардан ҳам бож солиғини олмадик». Мен сўрадим: «Унда ўндан бирини кимдан олдингиз». У: «Дорулҳарб аҳли савдогарларидан, чунки улар биздан ўзларига кираверишда ўндан бирини олдилар», деб жавоб берди.

Саноат аҳкомлари: Шариат ишга ёллаш ва буюртма бериш аҳкомлари баёнида саноат аҳкомларини ҳам баён қилиб берган. Мулкчилик сабаблари баёнида ишга ёллашнинг шаръийлиги айтиб ўтилди. Буюртма беришга келсак, Росулulloҳ ﷺ узук-муҳр ва минбар учун буюртма берганлар. Илгари буюртма ишлари қўлда ёки ускуналар ёрдамида бажарилган бўлса, бугунги кунда бундай ишлар йирик, автоматлаштирилган заводларга боғлиқ бўлиб, кўпинча уларни бажаришда бир нечта одам иштирок этади. Аввалроқ айтиб ўтилган компаниялар ҳақидаги аҳкомлар завод ва фабрикаларга ҳам тааллуқлидир. Бундай корхоналарда ишлашга келсак, аввалроқ биз айтиб ўтган ишга ёллаш аҳкомлари унга ҳам тегишли. Биз тўғридан-тўғри муҳокама қилган савдо тўғрисидаги аҳкомлар ана шундай корхоналарнинг маҳсулотларини сотишга нисбатан қўлланилади. Кейинроқ, биз иш ҳақи қандай белгиланишини кўрсатадиган асосни тушунтирамиз. Чунки бу масала муҳим бўлиб, капиталистлар ва коммунистлар томонидан назарда тутилганидан тубдан фарқ қилади.

Иш ҳақини белгилаш асосларига келсак, Исломнинг бу масаладаги аҳкомлари капитализм ва социализмда назарда тутилганидан тубдан фарқ қилади. Ислом шартнома тузувчи ҳар икки томоннинг ижара шартномаси бўйича малакали бўлишини (яъни, нима устида шартнома тузилаётганини тушунадиган бўлишини) шарт қилади. Ижара шартномаси тўғри бўлиши учун ҳар икки томоннинг розилиги ва иш ҳақининг маълум қилинган бўлиши ҳам шарт қилинади. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا اسْتَأْجَرَ أَحَدُكُمْ أَجِيرًا فَلْيُعْلِمْهُ أَجْرَهُ»

«Агар сизлардан бирингиз ишчи ёллаган бўлса, унга бериладиган ҳақ тўғрисида албатта хабар берсин». Агар иш ҳақи миқдорида келишмовчилик бўлса, шунга ўхшаш тўлов соҳасидаги мутахассисларга мурожаат қилинади. Иш ҳақини белгилаш асоси, ишнинг ўзидан келадиган манфаат бўладими ёки ишчидан келадиган манфаатми бундан қатъий назар, манфаатдир. Иш ҳақи ишчи ишлаб чиқарган маҳсулот билан ҳам, турмуш даражасининг минимал даражаси ёки юқорилиги билан ҳам ўлчанмайди. Яъни унинг эҳтиёжмандлиги ёки етарлилиги ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг баҳоси билан ҳам ўлчанмайди. Маҳсулотнинг баҳоси иш ҳақига биноан белгиланиши ҳам нотўғри. Чунки маҳсулот баҳоси билан иш ҳақининг ўзига хос омил ва

хусусиятлари мавжуд. Балки юқоридаги фикрлар иш ҳақини белгилашда капитализм таянадиган асослардир. Коммунистик низомга келсак, у маҳсулот ишлаб чиқаришда ишчининг меҳнати асос бўлиб, унинг иш ҳақи шу маҳсулотга қараб белгиланади, деб ҳисоблайди, Бу беҳуда (сийқа) гап бўлиб, унда хом ашё эътиборсиз қолдирилган. Шариат ишчининг эҳтиёжлари қондирилишини корхона эгаси, иш берувчи ёки ишга ёлловчига юкламайди, балки унинг нафақасидан жавобгар шахс зиммасига юклайди. Ҳар бир муҳтожнинг нафақаси – хоҳ у ишчи ёки ишчи эмасми, ўзининг эҳтиёжларини қондиришга ва сарф харажатларига қодир ёки қодир эмасми ёки қодир бўла туриб, иш топа олмаганми бундан қатъий назар – ота, ўғил, эр ёки қариндошлар зиммасига тушади. Агар муҳтож одамнинг эҳтиёжлари мазкур шахслар томонидан қондирилмаса, масъулият Умматга ўтади ва Унинг номидан бу масъулиятни давлат адо этади.

Корхоналар, биз олдин айтиб ўтганимиздек, хусусий мулк, умумий мулк ва давлат мулки бўлиши мумкин.

Булар иқтисодиётнинг учта манбаси: қишлоқ хўжалиги, савдо ва саноат аҳкомларининг умумий кўринишидир. Бугунги кунда улар хизмат кўрсатиш тармоғи деб атаб иқтисодиёт манбаси сифатида илгари сураётган туризмга келсак, бу алдов бўлиб, уни бошқа манбалар билан солиштирганда ҳеч нарсага арзимамайди. Туризмда ҳаром қилинган нарсалар мавжудлиги ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Ислом иқтисодиёт манбаси ўлароқ рухсат берган манбалар мазкур учта соҳадан нарига ўтмайди.

Мулкни кўпайтиришнинг тақиқланган йўллари

Улар: Қимор, рибо, ғабн, савдодаги фирибгарлик, монополия ва нарх белгилашдир. Ғабн – ҳаддан ташқари қимматга сотиш ёки жуда арзон нархда сотиб олиш ҳисобланади. Савдодаги фирибгарлик эса сотувчи томонидан бўладиган фирибгарлик бўлиб, товардаги нуқсонни била туриб яширишдир. Харидор томонидан бўладиган фирибгарлик эса валютани қалбакилаштириш ёки била туриб ундаги нуқсонни яширишдир. Монополия эса товарни қиммат баҳога сотиш учун, баҳоси кўтарилишини кутиб уни йиғиб олиш ва бу билан юрт аҳолиси учун бу товарни сотиб олишда қийинчилик туғилишидир. Шунингдек, суғурта компаниялари ва акциядорлик жамиятлари билан шартнома тузиш, уларнинг акциялари билан савдо қилиш,

кооператив жамиятларни ташкил этиш ҳам мулкни кўпайтиришнинг таъқиқланган йўлларига киради. Чунки бундай компаниялар капиталистик компаниялардир.

Ислом давлати пуллари:

Товар ва меҳнат алмашинуви улардаги манфаатга боғлиқ бўлиб, бу манфаатнинг ўлчовини талаб қилади. Ушбу манфаатлар ўлчови ҳисобланган пулларнинг мавжудлиги алмашинув жараёнини осонлаштиради. Пул – бу нарса ва меҳнатнинг манфаати ўлчанадиган бирликдир. Ислом савдо ва ижара аҳкомларини белгилаганида, айирбошлаш учун асос қилиб пул бирлигини кўрсатиб ўтмаган. Шунинг учун товарни товарга айирбошлашга ёки унинг эгасига маълум бир муддат давомида ишлаб беришга рухсат берган. Шунингдек, Қуръондан бирор нарсани ўргатиш эвазига аёлга уйланишга рухсат берган. Аммо товарни айирбошлаш муайян пул бирлиги билан бўлса, Ислом олтин ва кумушни пул бирлиги қилиб белгилаган. Гарчи мол барча мол-мулкдан иборат нарсалар бўлса-да, бироқ Ислом молни канз-хазина қилиб сақлашни ҳаром қилганда бу ҳаромликни олтин билан кумушгагина хослади. Ўғрилиқ ва закот нисобини белгилаш каби баъзи аҳкомларни молга боғлаган пайтда уни олтин ва кумушга боғлаган. Тўланадиган дияларни ҳам олтин ва кумушга боғлаган. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ савдо ва никоҳ каби барча муомалаларда олтин ва кумушни пул ўлчови қилиб белгилаб ишлатганлар. У зотнинг даврида уқия, дирҳам, даниқ, қийрот, мисқол ва динор каби машҳур пул birlikлари бўлган. Насоий Ибн Умардан Росулulloҳ ﷺнинг:

«الْوَزْنُ وَزْنُ أَهْلِ مَكَّةَ»

«Ўлчов Макка аҳлининг ўлчовидир» деб айтганларини ривоят қилган. Исломдаги пул ўлчовларига назар ташлайдиган бўлсак, шариатда уқиянинг 40 дирҳамлиги, дирҳамнинг 6 даниқлиги, динорнинг 20 қийротлиги, 10 дирҳамнинг 7 мисқоллиги аён бўлади. Мадина мезонлари ҳам шунга асосланган. Пул айирбошлаш аҳкомлари ҳам олтин ва кумушга нисбатан белгиланган:

«يَعُوذُ بِالذَّهَبِ بِالْفِضَّةِ كَيْفَ شِئْتُمْ يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинни кумушга қўлма-қўл қилиб хоҳлаганигизча сотаверинглар».

«الدَّهَبُ بِالْوَرَقِ رَبًّا، إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«**Олтинни кумушга сотиш мана-мана тарзида** (яъни, бир вақтнинг ўзида мана, деб нақдма-нақд) **бўлмаса, рибодир**». Бугунги ўлчовларга кўра, динор 4,25 грамм олтинга, дирҳам 2,975 грамм кумушга тенг.

Рибо ва пул айирбошлаш аҳкомлари

Рибо ва айирбошлаш аҳкомлари савдо аҳкомлари сирасига киради. Бир хил пулни ортиғи билан олди-берди қилиш рибодир. Олтин ва кумушдан иборат бир хил пулни ёки бир хил нархли ҳар хил пулни ё ҳар хил нархли ҳар хил пулни бир-бирига алмаштириш пулни пулга алмаштиришдир. Савдо ва саламдаги рибо фақат олти нарасадагина бўлади. Улар: хурмо, буғдой, арпа, туз, олтин ва кумушлардир. Қарздаги рибо эса ҳамма нарасада бўлаверади. Бир нарсани кўпроқ ёки озроқ қилиб, қайтариб олиш шарти билан қарз бериш ҳалол бўлмайди.

«الدَّهَبُ بِالذَّهَبِ، وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ، وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ، وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ، مَثَلًا بِمِثْلٍ، سَوَاءً بِسَوَاءٍ، يَدًا بِيَدٍ، فَإِذَا اخْتَلَفَتْ هَذِهِ الْأَصْنَافُ، فَيَبْعُوا كَيْفَ شِئْتُمْ، إِذَا كَانَ يَدًا بِيَدٍ»

«**Олтинга олтин, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз бир хил ўлчовда, бир хил ҳажмда қўлдан қўлга берилади. Агар бу нарсалар турли хил бўлса, қўлдан қўлга бўлса хоҳлаганингиздек сотинглар**». Муслим ривояти. Бу нарсалардаги рибонинг ҳаром қилиниши иллатланмайди. Чунки бу нарсалар иллатни англамайдиган жомид исмли нарсалардир. Нақд товарни гарданга маълум муддатгача юклатилган маълум сифатдаги насия товар эвазига топшириш салам ва салаф дейилади. Қарз салафнинг бир туридир. Бировга кейин қайтариб олиш шарти билан пул бериш қарз дейилади. У шаръан жоиздир. Бир хил пулларни бир-бирига алмаштириш жоиз. Фақат қўлма-қўл, нақдма-нақд бўлиши шарт қилинади. Икки хил пулларни бир-бирига алмаштириш ҳам жоиз. Бунда бир хил (миқдорма-миқдор) ортиқ-кам бўлиши шарт қилинмайди. Қўлма-қўл ва нақдма-нақд бўлиши шарт қилинади, холос. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«يَبْعُوا الدَّهَبَ بِالْفِضَّةِ كَيْفَ شِئْتُمْ يَدًا بِيَدٍ»

«Олтинни кумушга қўлма-қўл қилиб, хоҳлаганингларча сотаверинглар». Термизий ривояти. Пул алмаштирувчилар ўша жойнинг ўзида пулни олишлари шарт. Пул олмай туриб қайтиб кетсалар, савдо бузилади.

«الذَّهَبُ بِالْوَرِقِ رَبًّا، إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ»

«Олтинни кумушга сотиш мана-мана тарзида (яъни, бир вақтнинг ўзида мана, деб нақдма-нақд) **бўлмаса, рибодир».** Бухорий ривояти.

Савдо баланси

Савдо баланси кўринадиган импорт қиймати билан кўринадиган экспорт қийматини таққослашдир. Агар экспорт қиймати импорт қийматидан ошса, у ҳолда савдо баланси бизнинг фойдамизга бўлади. Савдо баланснинг бизнинг фойдамизга бўлишига интилиш жоиз эмас, аммо қачон давлат бундан маълум бир мақсадни кўзлаган бўлса, жоиз. Агар мабдага, унга даъват этишга, саноатни ривожлантиришга, эҳтиёжларни қондиришга, биз билан савдо алоқалари мавжуд бўлган давлатнинг позициясига, халқаро майдон ва унга таъсир ўтказишга алоқадор масалаларда давлат маълум бир мақсадни кўзлаган бўлса, ушбу мақсадни амалга оширишга устуворлик берилади ва савдо баланси қурбон қилинади. Савдо нуқтаи назари, гарчи у фойда кўриш бўлса ҳам, лекин айти пайтда у давлатнинг нуқтаи назари бўлиб, бунда давлатнинг мақсади ва вужуди тижорат фойдасидан олдин эътиборга олинади. Ташқи савдо ташқи савдо сиёсатига ва ташқи савдо сиёсати Умнатнинг ташқи ишларини бошқаришга бўйсунди. Шунинг учун у муайян асосларга таяниши керак. Халқларнинг ташқи сиёсат ҳақидаги кўз қараши ҳаёт ҳақидаги кўз қарашлар турлича бўлишига қараб турлича бўлади.

2 – Молни ҳадя ва нафақа сифатида сарфлаш ҳуқуқи:

Молни инфоқ қилиш уни эвазсиз сарфлашдир. Уни бирор нарса эвазига сарфлаш инфоқ қилиш деб номланмайди. Молни инфоқ қилиш шахслар ва давлат томонидан бўлади. Шахснинг ўз молини бошқасига эвазсиз ўтказиш орқали тасарруф этиши, ё молини одамларга бериши ёки ўзи ва нафақаси зиммасида бўлган кишилар учун сарфлаши билан бўлади. Молнинг сарфланиши шахснинг ҳаётлик пайтида совға, инъом, садақа ва нафақа қилиш шаклида ёки вафотидан кейин марҳумнинг васиятини бажариш шаклида бўлади. Ислон ушбу беш ҳолатнинг аҳкомларини баён қилиб берган.

Шахсинг молини ўзи учун ва нафақаси зиммасида бўлган кишилар учун сарфлашига алоқадор аҳкомлар:

а) Ислом шахсни молини исроф қилиш ва беҳуда совуришдан қайтаради ҳамда бунини «молни тасарруф этиш таъқиқланиши керак бўлган» ақлсизлик деб ҳисоблайди. Исроф ва табзир (беҳуда совуриш) луғавий ва шаръий маъноларга эга. Бу ерда кўзланган маъно шаръий маъно бўлиб, у молни Аллоҳ қайтарган ўринларга сарфлашдир. Аммо молни мубоҳга сарфлашга келсак, бу исроф ҳам, беҳуда совуриш ҳам эмас.

б) Ислом шахсни дабдабали ҳаёт кечиришдан қайтаради. Бу шунчаки дабдабали ҳаёт кечириш эмас, балки дабдабали ҳаёти билан кибрланиш ва димоғдор бўлишдир. Демак, моли билан шунчаки завқланиш дабдаба эмас, балки ҳаддан ташқари мутакаббир бўлиш дабдабадир.

в) Ислом шахсни ўзига нисбатан бахиллик қилишдан қайтаради. Агар у шундай қиладиган бўлса гуноҳкор бўлади. Аммо, агар нафақаси зиммасида бўлган кишиларга нисбатан бахиллик қилса, у гуноҳкор бўлишидан ташқари, уни ўз оиласига нафақа қилишга мажбур қилиш керак.

Булар шахсинг ўз молидан ўзи учун ва нафақаси зиммасида бўлган кишилар учун сарфлашига алоқадор аҳкомлардир.

Аммо, шахсинг ўз молини одамларга бериши орқали тасарруф этишига алоқадор аҳкомларга келсак, Ислом бу аҳкомларни қуйидагича баён қилади:

а) Ислом шахсни уруш ҳолатида душманга совға қилишдан ёки душманни муслмонларга қарши кучайтирадиган нарсани беришдан қайтаради.

б) Ислом шахсни ўзи ва қарамоғидагилари муҳтож бўлган нарсани бошқаларга совға ёки садақа сифатида беришдан қайтаради. Агар у ўзи ва қарамоғидагилари муҳтож бўлган нарсани садақа қилса, садақаси қабул қилинмайди. Доримий Жобир ибн Абдуллоҳдан шундай деб айтганини ривоят қилади: «Бир кунни Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларида ўтирган эдик, тўсатдан бир киши жиҳодда қўлга киритган (Аҳмад ривоятида «бир кондан» деб келади ва бу кўпроқ ишончли) тухумга ўхшаш тилла билан ёнимизга келиб, шундай деди: «Ё Росулulloҳ, бунини мендан садақа қилиб олинг. Аллоҳга қасамки, менда бундан бошқа ҳеч нарса йўқ». Росулulloҳ ﷺ ундан юз ўғирдилар. У эса, чап томонларидан У зотга яқинлашиб, айтган гапини яна такрорлади. Кейин олд

томонларидан келиб, яна такрорлади. Шундан сўнг Росулulloҳ ﷺ газабланиб: «Уни бер», дедилар. Кейин уни шундай отдиларки, агар унга текканида оғриқ етказган ёки жароҳатлаган бўларди. Сўнг айтдилар: «Баъзи бирингиз охирги мол-мулкени садақа қилиб, кейин одамлардан тиланчилик қилади. Ўзидан кейин бойлик (беҳожатлик) қолдирган садақа энг яхши садақадир. Ўзинга тегишли бўлган нарсани ол, биз унга муҳтож эмасмиз». Кейин у киши молини қайтариб олди».

в) Ислом ўлим тўшагида ётган одамни совға ва ҳадя беришдан, васият қилишдан қайтаради. Агар у шундай қилган бўлса, қилган совға, ҳадя ва васиятининг учдан бир қисми ижро қилинади. Дориқутний Абу Дардодан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ تَصَدَّقَ عَلَيْكُمْ بِثُلْثِ أَمْوَالِكُمْ عِنْدَ وَفَاتِكُمْ زِيَادَةً فِي أَعْمَالِكُمْ لِيَجْعَلَهَا زِيَادَةً لَكُمْ فِي أَعْمَالِكُمْ»

«Амалларингизнинг ажр-савоби зиёда бўлиши учун Аллоҳ Таоло ўлимингиз олдидан молларингизнинг учдан бирини тасарруф этишингизга ружсат берди».

Ислом ўз эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмаган кишиларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилиши таъминланишини фарз қилган. Агар шахс эҳтиёжларини ўзи қондира олмаса, шариат унга ёрдам беришни яқин қариндошларига юклайди. Агар унинг нафақасини зиммасига оладиган қариндоши бўлмаса, жавобгарлик Байтулмолнинг закот бўлимига тушади. Агар закот бўлимида етарли мол бўлмаса, Байтулмолнинг бошқа бўлимларидан унга сарф қилиш давлатнинг зиммасига тушади. Агар Байтулмолнинг бошқа бўлимида ҳам етарли мол бўлмаса, давлат фақир ва мискинларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун бойларга солиқ солади. Чунки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлаш давлат зиммасидадир.

Камбағаллик ва бойлик:

Камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмаган, эҳтиёжларини қондириш учун бошқалардан сўрамайдиган ва унга нафақа ажратилиши керак бўлган муҳтож кишидир. Шариат озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой (бошпана)ни асосий эҳтиёж деб белгилаган. Мискин ҳам камбағалдир. Мискин

билан фақир ўртасидаги фарқ шуки, фақир (камбағаллар) молга эга бўладилар, лекин уларнинг сарф-харажати даромадидан юқори бўлади. Мискинлар эса, молга эга бўлмаган ва даромади бўлмаган кишилардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ مِسْكِينًا ذَا مَتْرَبَةٍ﴾

«Ёки қашшоқ-мискинга (таом бермоқ)дир» [Балад 16]

Бой одам – бошқаларнинг нафақаси зиммасида бўлган, ўзининг асосий ва камолий эҳтиёжларини қондирганидан кейин ҳам, ортиқча мол-мулкка эга бўлган кишидир. Унга унинг ва унга ўхшаган бошқа одамларнинг турмуш даражасига қараб баҳо берилади. Бойлик ва камбағалликнинг ушбу таърифига биноан айтадиган бўлсак, бу ерда бой ҳам, камбағал ҳам бўлмаган, ўзининг асосий эҳтиёжларини қондира оладиганлар бор. Лекин улар ўзларининг камолий эҳтиёжларини муносиб равишда қондира олмайдилар. Асосий эҳтиёжлар озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой бўлиб, муҳтожларга айна шу эҳтиёжлари таъминланиши керак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

«Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» [Бақара 233]

﴿أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وَجْدِكُمْ﴾

«Уларга (яъни талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) ўзларингиз маскан тутган – қудратингиз етган жойдан маскан беринглр» [Талоқ 6]

Ибн Можа Абу Аҳвасдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:


﴿أَلَا وَحَقُّهُنَّ عَلَيْكُمْ أَنْ تُحْسِنُوا إِلَيْهِنَّ فِي كِسْوَتِهِنَّ وَطَعَامِهِنَّ﴾

«Уларнинг (хотинларингизнинг) сизларнинг устингиздаги ҳақлари уларни яхши кийинтириш ва овқатлантиришдир». Камбағал ва мискинларнинг эҳтиёжлари таъминланиши бой қариндошлари зиммасида бўлади. Агар уларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган бой қариндошлари бўлмаса, жавобгарлик Байтулмолга, яъни давлатга ўтади.

Давлат нафақа-харажатлари:

Давлатнинг қиладиган харажатлари Байтулмолдан бўлади. Агар Байтулмолда закот моли бўлса, уни закотга ҳақлиларга сарфлайди.

Энди, давлат фақирлар, мискинлар, йўловчилар ва жиҳодга сарфлайдиган харажатларини фақат закот молидан таъминламайди. Балки Байтулмолнинг бошқа даромад манбаларидан ҳам олаверади. Агар Байтулмолда маблағ қолмаса ва кечикиш билан зарар хавфи мавжуд бўлса, бундай ҳолатда давлат эҳтиёжни қондириш учун мусулмонлардан пул йиғилгунига қадар етарли миқдорда қарз олади. Агар кечикиш билан зарар хавфи мавжуд бўлмаса



«Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг» [Бақара 280] қоидаси татбиқ қилиниб, сарф мол йиғилгунига қадар кечиктирилиб турилади. Йиғилганидан кейин ҳақдорларига берилади.

Байтулмолнинг бадал тарзида тўлайдиган харажатлари, яъни қўшинни таъминлаш, хизматчилар, қозилар, муаллимлар кабиларга ойлик бериш сингари хизмат эвазига пул беришда маблағ бор-йўқлигининг эътибори йўқ, улар мол бор бўлса ҳам, йўқ бўлса ҳам бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир. Агар мол бор бўлса, дарҳол сарфланиши вожиб, йўқ бўлса, топиш давлатнинг бурчи. Сарфнинг кечиктирилишидан зарар хавфи бўлса, мусулмонлардан пул йиғилгунига қадар давлат дарҳол қарз олади. Агар зарар хавфи бўлмаса, **«бойигунча кутиш»** қоидаси татбиқ этилиб, сарф пул йиғилгунига қадар кечиктирилади. Кейин ҳақдорларга берилади. Байтулмолнинг харажатлари орасида зилзила, сув тошқини, очарчилик ёки душман ҳужуми каби турли фавқулодда вазиятлар учун сарфланадиган харажатлар ҳам бор. Бундай вазиятларда Байтулмолда маблағ бор ёки йўқлигидан қатъий назар, фавқулодда вазиятлар учун маблағ ажратилиши керак. Шунинг учун улар мусулмонлардан йиғилади. Агар маблағлар узоқ вақт давомида йиғилади, деган қўрқув мавжуд бўлса, у ҳолда давлат қарз олади, кейин бу қарз йиғилган маблағлар ҳисобидан тўланади. Агар доимий даромадлар фуқаролар эҳтиёжи учун етарли бўлмаса, қўшимча солиқ жорий этилади. Яъни узлуксиз қопланиши лозим бўлган ва мусулмонларга таъминланиши вожиб бўлган эҳтиёжлар учун қўшимча солиқ жорий этилади. Агар бундай бўлмаса, солиқ жорий этилмайди.

Солиқлар қўйдаги ҳолатларда жорий этилади:

1 – Камбағал, мискин ва йўловчиларнинг харажатини қоплаш ва жиҳод фарзини адо этиш.

2 – Нафақа сифатида тўланадиган зарур харажатларни қоплаш.

3 – Тўлови кутилмайдиган ёрдам сифатидаги вожиб харажатларни қоплаш, агар бу харажатлар ўта зарурат бўлса ва бу ишларга сарфланмаслиги сабабли Уммат зарар кўрса.

4 – Зилзила, сув тошқини, очарчилик ва душман ҳужуми каби фавқулодда вазиятлар кўринишидаги ўта зарурат туфайли мажбурий харажатларни қоплаш.

5 – Мусулмонларга вожиб бўлган ишларни бажариш учун, масалан, юқорида зикр этилган тўрт бандни бажариш ёки мусулмонлар зиммасида бўлган бошқа вожиб ишни бажариш мақсадида олинган қарзларни тўлаш учун.

Шариат Байтулмол учун белгилаган даромад манбалари фуқароларнинг ишларини бошқариш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш учун етарлидир. Шунинг учун бевосита ёки билвосита солиқларни жорий этишга эҳтиёж йўқ. Лекин алоҳида ёки камдан кам учрайдиган ҳолатлар мавжудлигини ҳисобга олиб, шариат эҳтиёт чораларини кўради. Шу боис, баъзи эҳтиёжларнинг сарф-харажатлари Байтулмолга юкланади. Яъни бу сарф-харажатлар Байтулмолнинг доимий даромадларидан қилинади. Агар Байтулмолда маблағ бўлмаса, масъулият мусулмонлар зиммасига тушиб, солиқ жорий этилади. Бундай солиқлар ғайримусулмонлардан олинмайди, шунингдек, мусулмонлардан Аллоҳ фарз қилган солиқлардан бошқа ҳеч қандай солиқ олинмайди. Масалан, маҳкама жараёни учун ёки бошқа бошқармалар учун солиқ олинмайди. Улар мусулмонлардан ҳам, зиммийлардан ҳам йиғилмайди. Бундан ташқари, Ислом давлати фуқаролари томонидан олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарлардан бож солиғи олинмайди. Бошқа давлат фуқароларига бож солиғи солинган ҳоллар бундан мустасно. Ислом давлатида зиммийлардан фақат жизя ва хирож олинади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, хирож мусулмонлардан ҳам олинади, чунки у хирожий ерлардан олинмайдиган солиқдир. Олинган солиқлар фуқароларнинг асосий ва камалий эҳтиёжлари қондирилганидан ошган молдан олинади. Бунда мусулмонлар ўртасидаги адолатга қатъий риоя қилиниши керак.

Учинчи қоида: Бойликни одамлар ўртасида тақсимлаш

Ислом шахсий мулкчиликка рухсат бериб, мулкка эга бўлиш шаклини ҳам белгилаб қўйган. Шахсга ўз мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини бериб, тасарруфнинг шаклини ҳам белгилаган. Одамлардаги ақлий ва жисмоний қувватларнинг хилма-хиллигини эътиборга олиб, эҳтиёт юзасидан ожиз ва муҳтожларни қўллаш, таъминлаш мақсадида бойларнинг молларидан уларга ҳақ ажратган. Жамоат муҳтож бўладиган нарсани ҳамма мусулмонларнинг умумий мулкига айлантирган. Биронта одамнинг унга эгадорлик қилишга, ўзи ёки бошқа биров учун асраб қўйишга ҳаққи йўқ. Шунингдек, Ислом фуқарони етарли бойлик ва хизматлар билан таъминлаш масъулиятини давлатга юклаб, унинг ҳам хусусий мулки бўлишига рухсат берди. Умумий мулк истисносиз Ислом давлатининг барча фуқароларига тегишли. Давлат мулки Исломни татбиқ этиш воситаларидан биридир. Бу давлат томонидан фуқароларнинг асосий эҳтиёжлари, мумкин қадар камолий эҳтиёжлари қондирилишини ҳам ўз ичига олади. Бироқ, аввал айтиб ўтилган икки қоида воситасида буларнинг барчаси таъминланишига, шунингдек, ҳар бир шахснинг бойликдан етарли миқдорда қўлга киритиши таъминланишига қарамасдан, давлатнинг баъзи аҳкомларни татбиқ этишдан четга чиқиши ёки камчиликка йўл қўйиши каби сабабларга кўра, мулкчиликда ва одамларнинг турмуш даражасида кескин тафовут (тенгсизлик) юз бериши мумкин. Бундай ҳолатда жамиятда синфийлик, одамлар ўртасида худбинлик, нафрат ва бўлиниш пайдо бўлади. Бу дунёнинг турли давлатларида кенг тарқалган кўринишдир. Капитализм бундай вазиятни тузатишга ҳаракат қилиб, муваффақиятсизликка учраган. Бунинг сабаби шундаки, капиталистик иқтисодчилар даромадлар тенгсизлиги назариясини ўрганиш пайтида, нотўғри тақсимот масаласини эътиборсиз қолдиришган. Улар ушбу муаммони ҳал қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган статистик маълумотлар билан кифояланишган. Социалистлар эса, хусусий мулкни чеклашдан бошқа чора тополмаган. Коммунистлар хусусий мулкни умуман тақиқлаб, буни даромадлар тенгсизлиги муаммосининг ечими сифатида тақдим этишган.

Исломга келсак, у фуқаролар ўртасида бойликнинг тўғри тақсимланишини кафолатлаган. Бунинг учун мулкка эга бўлиш сабабларини, мулк турларини, шунингдек, мулкни кўпайтириш, сарфлаш ва совға қилиш жиҳатидан тасарруф этиш кайфиятини

белгилаган. Бундан ташқари, мулкка эга бўлишдаги тенгсизлик масаласини бойликни тақсимлашга алоқадор аҳкомлар билан ҳал қилган. Шунини тушуниш керакки, бойликни тақсимлашдан мақсад камбағал ва муҳтожлар эҳтиёжини етарли даражада қондириш эмас, чунки буни ҳал қилиш юқорида айтиб ўтилган иккита қоида билан кафолатланади. Бойликни тақсимлашдан мақсад, хизматлардан фойдаланишдаги ва одамларнинг турмуш даражасидаги тенгсизликка барҳам беришдир.

Ислом бунинг учун қуйидагиларни белгилаган:

1 – Жамиятдаги иқтисодий мувозанат

Ислом молнинг барча фуқаролар ўртасида айланиб юришини вожиб қилиб, бир гуруҳ одамлардагина чекланиб қолишини тақиқлайди. Бу Ислом қонунчилиги унга асосланган умумий қоидадир. Ислом буни амалга ошириш учун зарур чораларни кўрган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يَكُونُ دَوْلَةً بَيْنَ الْأَعْيَاءِ مِنْكُمْ﴾

«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун» [Ҳашр 7]

Жамиятда ҳар бир фуқаро ўз эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлган тақдирда ҳам, Ислом молнинг фақат бир гуруҳ одамлар ўртасида айланиб қолишини тақиқлайди. Давлат жамиятда иқтисодий мувозанатни рўёбга чиқариш ва бойликнинг бир гуруҳ одамлар ўртасидагина айланиб қолишини олдини олиш учун давлат ўз молидан (давлат мулкидан) фуқароларга беради. Росулulloҳ ﷺ мулкка эга бўлишда муҳожир ва ансорлар ўртасида катта фарқ борлигини кўргач, иқтисодий мувозанатни ўрнатиш учун Бану Назир қабиласидан олинган ўлжаларнинг катта қисмини муҳожирларга ажратдилар. У зот ўлжаларни муҳожирлар ўртасида тақсимлаб, ансорларнинг иккитасидан бошқа ҳеч кимга бирон нарса бермадилар. Бу икки ансор Абу Дужона Симок ибн Хараша ва Саҳл ибн Ҳунайф эди. Чунки фақирлик жиҳатидан уларнинг мавқеи муҳожирларникидек эди. Давлат кўчмас мулкни ҳам, кўчар мулкни ҳам бериш ҳуқуқига эга. Чунки мақсад озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой шаклидаги эҳтиёжларни вақтинча қондириш эмас, аксинча, ушбу эҳтиёжларни қондириш ва моддий фаровонликни ошириш учун маблағ билан таъминлашдир. Шу сабабли, давлат тенгсизликка олиб келадиган нарсаларни бартараф этиш чораларини кўради. Бироқ, давлат иқтисодий мувозанат

муаммосини ўзининг бой фуқаролари ҳисобидан ҳал қилиш учун уларга солиқ солмайди. Аксинча, иқтисодий мувозанатни вужудга келтириш учун имкон бўлса камбағал ва муҳтожларга Байтулмолдан маблағ ажратади. Бироқ, иқтисодий мувозанатни вужудга келтириш камбағал ва муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондириш масаласидан фарқ қилади. Чунки бу муаммони ҳал қилиш учун давлатда маблағ бўлмаса, бой мусулмонларга солиқ солинади.

2 – Олтин ва кумушни, шунингдек, муомаладаги пулларнинг ҳар қандай турини хазина қилиб сақлаш тақиқланади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

«Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ (ўўл) билан ейдилар ва Аллоҳнинг ўўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ ўўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг!» [Тавба 34]

Бу оятда Аллоҳ иккита нарсани: хазина қилиб сақлаш ва Аллоҳ ўўлида, яъни жиҳодга инфоқ қилмасликни тақиқлади. Хазина қилиб сақлаш жамғаришдан фарқ қилади. **Хазина қилиб сақлаш кераксий пул тўплашдир. Чунки бу билан улар бозор муомаласидан ушлаб қолинади. Жамғармага келсак, бу эҳтиёжлардан бирини, масалан, ўй қуриш, ўйланиш, завод сотиб олиш ва ҳоказолар учун пул тўплашдир. Пулни хазина қилиб сақлашнинг тақиқланиши, уни бозорга чиқаришга ва сармоя қилишга рағбатлантиради. Шу орқали иқтисодий ҳаракат, ишлаб чиқариш, ривожланиш ва рақобат вужудга келади, эҳтиёж ва хизматлар таъминланади. Шунингдек, у илмий тажрибалар учун тадқиқот марказларини яратишга рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида самарали меҳнат имкониятларини оширади. Пулни бозорга олиб чиқиш унинг одамлар ўртасида айланишини оширади, одамларнинг турмуш даражасини кўтаради, қашшоқлик ва ишсизликка барҳам беради, фаровонлик ва тараққиётга олиб келади. Бу ерда ушбу ҳукм билан ерни уч йил бўш ташлаб қўйиш ҳукми ўртасидаги ўхшашликни кўриш мумкин. Ўхшашлик жиҳати мулкни – кўчмас ёки кўчар мулк бўлишидан қатъий назар – маҳсулот ишлаб чиқаришга ишлатмасдан бўш ташлаб қўйишдир. □**

ҲОКИМ (ҲУКМ ЧИҚАРУВЧИ) КИМ? КИМ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА? АЛЛОҲ ТАОЛОМИ ЁКИ ИНСОНМИ?

Соир Салома (Абу Молик)

Иқтидорли муаллиф Соир Саломанинг «Ғарб тафаккурининг қора қутиси» номли китобида ушбу саволнинг фикрий пойдевори қўйилди. Бу савол китобнинг деярли асосий мавзуси эди. Унда муаллиф қонунчиликни инсонлар қўлига топшириш натижасида юзага келадиган мураккаб муаммоларни тушунтириб ўтган.

Қонун чиқаришни инсонга эмас, балки яратувчига топшириш қандай натижаларни олиб келади? Биз нега бунга қилишимиз керак? Исломиё шариатнинг ўзини ва унинг мўъжизавий хусусиятларини инсонни тuzатувчи, ҳақиқатни рўёбга чиқарувчи, адолатни ўрнатувчи ҳамда ҳаётни тўғри тартибга келтирувчи метод (қўлланма) сифатида қабул қилиш нега вазифа қилиб юкланган? Муаллиф бу саволлар жавобини баён қилар экан, масалани тўғри ўзанига қайтарадиган ечимларни таклиф қилган.

Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? – деган саволга жавоб беришдан олдин қонунчилик ва қонунларни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва ғояларни аниқлаб олиш керак.

Исломиё шариат мақсадлари ҳақидаги фанга параллел бўлган ҳуқуқий фанлар орасида ҳуқуқ фалсафаси фани бор. Бу фан ғарб ҳуқуқшунослигида: Philosophy of law (ҳуқуқ фалсафаси) номи билан етакчи ўринни эгаллаб келади. Ҳокимиятни бериш ва унга бўйсунуш қоидаларини, ҳуқуқий тизимлар ортидаги яширин ғоя ва ҳикматларни ўрганишга, шунингдек, қонун билан жамият ўртасидаги алоқани очиб беришга қаратилган мавзулари моҳиятига кўра, булар асосан «инсон ҳуқуқи»ни ҳимоя қилиш ҳамда адолатни, умум манфаатни, ҳуқуқий барқарорлик ва хавфсизликни рўёбга чиқариш атрофида айланади. Ҳар бир мақсаднинг асослари ва унга эришиш воситалари мавжуд. Шу мақсадда қонуннинг табиати, аниқса, табиий қонун таълимотида қайд этилганидек, унинг инсонпарварлик қадриятлари, амалиётлар, жамиятлар ва ахлоқнинг айрим элементлари билан алоқаси ўрганилади. Ёки аксинча, қонунда ҳеч қандай ахлоқий элементлар бўлмаслиги керак, деган позитивизм тақозоси билан қонунни ахлоқдан ажратиш зарурати ўрганилади. Бу фалсафа (маълум бир мамлакат қонунлари учун эмас) балки барча қонунлар учун (маълум даврда эмас) балки ҳар доим яроқли бўлган қонунчиликни ўрнатишга ҳаракат қилади.

Исломиё ва вазъий (одамлар томонидан жорий қилинган) қонунларни ўрганиш орқали биламизки, қонун чиқарувчи қонунлар олдада турган вазифаларни, уларни асословчи ҳикмат ва сабабларни, шунингдек, уларга риоя қилишга ундовчи мақсадларни белгилайди. Яъни қонун чиқарувчи қонун ва қонунчилик мезонларини, шунингдек, ҳаётнинг турли соҳаларидаги барча қонунлар унда айланадиган доирани белгилайди. Асосан қонунлар бир-бирини тўлдириши ва мустаҳкамлаши керак. Масалан, иқтисодий низомнинг, ижтимоий бирдамликнинг, давлатнинг васийлик мажбуриятларининг яхши ишлаши жазолар низомига боғлиқ. Қонунлар хоҳ шариат қонунлари бўлсин, хоҳ вазъий қонунлар бўлсин, қонун чиқарувчи одамлар ҳаётида устун бўлишни истаган қадриятларга хизмат қилиш учун, масалан, адолатни ўрнатиш учун (Адолат – давлат пойдевори, деб айтилади) ишлаб чиқилади. Яъни улар давлат ҳокимияти асосланган тушунча ва қаноатларга хизмат қилади. Аммо қадриятларнинг ўзи жамиятларни шакллантирадиган эътиқодларга қараб фарқланади. Масаланинг моҳияти мана шунда. Чунки ушбу қадриятлар чалғитувчи, воқелиги бўлмаган шиорлар бўлишдан нарига ўтмаслиги мумкин. Агар бу сохта қадриятлар жамиятни бошқараётган мафкуралар мезони билан ўлчанса, уларнинг ҳеч қандай маънога эга бўлмаган саробдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлади. Масалан, демократияда чақириладиган «плюрализм» қадрияти. Аслини олганда у фақат илмоний сиёсий партиялар билан, сақофий плюрализм эса жамиятдаги индивидуал масалалар билан чегараланган. Шунинг учун аввало, давлат тўғри эътиқодда шаклланиши керак. Шундан кейингина унинг қонунчилиги ва қонунларининг тўғрилиги муҳокама қилинади. Бинобарин, илмонийлик каби руҳий жиҳатдан бир-бирига зид бўлган ёки демократия каби воқеликда имконсиз бўлган давлатни барпо этиш бу давлатларнинг қонун чиқарувчиларини енгиб бўлмайдиган тўсиқ олдига қўяди. Бу тўсиқ давлат амалга оширмақчи бўлган қадриятларни ўрнатишнинг мумкин эмаслигидир. Бинобарин, қадриятларга хизмат қилмайдиган ва жамиятда уларни ҳимоя қилишга ҳисса қўшмайдиган қонун самарасиз бўлиб қолади.

Агар қадриятларнинг ўзи нотўғри ёки эришиб бўлмайдиган бўлса (масалан сайловларда кўпчиликнинг фикрига асосланиш каби), қонунлар нотўғри бўлади. Демак, жамиятнинг хулқ-

атворини тартибга солиш, ҳар бир шахснинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мақсадлар тўқнаш келганда улар ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш учун эришиш мумкин бўлган чоратadbирлар ва қадриятлар бўлиши керак. Акс ҳолда, қонунчилик бир мақсадни бошқа мақсад ҳисобига амалга оширишга олиб келади. Масалан, Ғарбдаги давлатлар шахсий ҳаёт билан хавфсизлик қарама-қарши келиб қолганида хавфсизлик баҳонасида одамлар устидан жосуслик қилади, уларнинг шахсий ҳаёти ва эркинлигини бузади. Ёки баъзи қонунлар маълум қадриятларга эришади, бошқа қонунларнинг уларга зид келиши уларни йўқ қилади. Мисол учун, Америкада сўз эркинлиги ва адолатли судлов ҳуқуқи судланувчини ўз жинояти ҳақида билиш ва ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган махфий далиллар тўғрисидаги қонунга зид келади. Буларнинг барчаси унинг жиноятига доир далилларни ошкор қилиш миллий хавфсизликка таҳдид солади деган баҳона билан содир бўлади. Яъни айбланувчининг ўзи ҳам, судья ҳам жиноятнинг далилларини билмайди ва натижада айбланувчи ўзини ҳимоя қила олмайди. Биринчидан, қонунлар мақсадларга зид, иккинчидан, улар бири-бирига зиддир. Бу қарама-қаршилиқ асосий бўлиб, унинг боши охирига зид келади ва бу уни ҳал қилиш мумкин бўлган тасодифий зиддият эмас.

Инсоннинг ўзи билан, бошқа одамлар билан, жамият ва давлат билан муносабатларини турли хил шахслар ўртасидаги мувозанат ва уйғунликни таъминлайдиган мажбурий норматив қоидаларга мувофиқ тартибга солиш учун қонунчиликда ҳисобга олинадиган баъзи мақсад ва вазифаларни умумлаштириш мумкин. Ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай жойда қонунчиликдан, қонунлар мажмуасини тузишдан кўзланган ғоя турли қонунчилик ёки ҳуқуқий муносабатларнинг доимий ва узлуксиз тартибга келтирилишини таъминлашдир. Бундан жамият аъзолари ўртасида адолатни рўёбга чиқариш кўзланади. Чунки қонун ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун жамият аъзоларининг ҳаёти ва хатти-ҳаракатини давлат кучи билан тартибга солиб назорат қилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, қонунларнинг бир чегарадан иккинчисига ўзгариши асло барқарорлик ва адолатни рўёбга чиқармайди. Масалан, қонун наша сотишни жиноят деб ҳисоблайди, сотувчига жазо қўллайди, кейин уни ўзгартириб, наша савдосини

қонунийлаштиради. Шунинг учун у ҳар бир кўчада сотилади. Янги қонунга кўра, наша сотувчига илгари қўлланган жазо ноқонуний ҳисобланади. Бундан ташқари, янги қонуннинг қўлланиши жамиятга бартараф этиб бўлмайдиган одамлар соғлиғига оид, шунингдек, иқтисодий ва ахлоқий зарар келтиради. Шунинг учун жамиятнинг қонун чиқарувчилар учун «тажриба майдонига» айланиб қолиши нотўғридир. Бундан ташқари, ўзгарувчан қонун жамиятда адолат ва барқарорликни рўёбга чиқармайди.

Исломда фақиҳ, мужтаҳид, қози ёки ҳуқуқшунос ҳукм чиқариш ирода қилинган воқеликни ўрганади, кейин ушбу воқеликка алоқадор шаръий ёки конституциявий матнларни ўрганиб, ҳукмни воқеликка боғлайди. Қонун истинбот қилиш пайтида мақсадларни ёдда тутиб, уларнинг иллатини, манотини (қўлланиш жойини) ва ҳикматларини эсга олади.

Қонунчиликдан кўзланган ғоя муайян мақсадларни рўёбга чиқаришдир. Жумладан: муаммоларни тўғри ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш, ҳақни ва адолатни рўёбга чиқариш, зулм-адолатсизликни бартараф этиш, шунингдек, ғариза ва организм эҳтиёжларини тўғри, одамларга мос келадиган, уларни ислоҳ қиладиган, улар тоқат қила оладиган ва улардан қийинчиликни кўтарадиган тарзда қондириш йўлларини белгилашдир. Қонунчиликда жамиятни муайян асосларга ўрнатиш кўзда тутилади. Унда давлат ва ҳаёт низомлари бир-бирини тўлдиради. Шунингдек, қонунчиликда инсон учун зарур бўлган саккиз мақсад ҳисобга олинади. Улар: жон, мол-мулк, дин, ақл, насл, давлат, хавфсизлик ва инсон шаънини сақлаш. Баъзи фақиҳлар фикрига кўра, бунга «манфаатни жалб қилиш ва зарарни даф этиш ҳам киради. Вазъий қонун тарафдорлари «инсон ҳуқуқлари» ва «тенглик ҳуқуқи»ни ҳам қўшадилар.

Жиноий қонунчиликка назар ташласак, кўрамызки, улар асосан жиноятга мос, жиноят содир этишдан тийиб қўювчи ва айбни қопловчи (дия ва товон тўлаш каби) жазоларни белгилашга қаратилган. Яъни жиноий қонун жамиятни жиноят содир этишдан қайтаришга, жиноят содир этган шахснинг айбини ва жабрланувчининг зарарини қоплашга, шунингдек, жамият қонунларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Жамият алоқаларини тартибга солувчи қонунлар мажмуасига қараганимизда, уларда такомилликни топишимиз, шунингдек, уларда ижтимоий жиҳат кўриниши керак. Масалан, Исломда

ижтимоий ҳамжиҳатликка олиб борувчи қонунларни топасиз. Ислом қонунлари шахс, оила, маҳалла, жамият ва давлат даражасида ижтимоий ҳамжиҳатликка асосланган ижтимоий низомни ўрнатиш масаласини ҳар томонлама қамраб олган. Буни эса дунёдаги масъулият ва охирадаги ҳисоб-китоб асосида ўрнатган. Инсоннинг ота-она ва кекса ёшдагиларга ғамхўрлик қилиши... маҳалланинг оч қолганларни тўйдириши, етимларга ғамхўрлик қилиши, қўшни, меҳмон ва йўловчилар ҳаққини адо этиши... Давлат томонидан фуқароларнинг асосий эҳтиёжлари таъминланиши каби ишлар шу масъулият жумласидандир. Бу борада Ислом закот, каффорат, садақа, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ва фоизсиз қарз бериш каби аҳкомларни олиб келди. Ғарб қонунчилигида бундай ҳолатни топа оласизми?! Ҳа, улар пул ва солиқ тизимларига оид қонунчилик ишларида кўп нарсаларни ижод қилишди. Лекин улар ҳамжиҳат ва уйғун жамият қуришни кафолатлайдиган ягона тизимни ярата олишмади. Бунинг сабаби шуки, Ғарб қонунчилиги чинакам индивидуалистик қонунчиликдир.

Қонуннинг мақсадларига эътибор бериш, уни ва унинг Умнат ақидасига мослигини тушуниш, шунингдек, унинг жамиятда адолатни ўрнатишга ва ҳуқуқларни амалга оширишга қодирлигини ҳис қилиш қонунларнинг ҳурмат қилинишига ҳисса қўшади. Фуқаролар қўрқувдан эмас, балки ички турткидан келиб чиқиб, қонунга риоя қиладилар ва уни ҳурмат қиладилар.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари бошларида Қўшма Штатларда спиртли ичимликларни тақиқловчи қонун чиқарилиб, бу қонунни бузганларга қаттиқ жазо чоралари қўлланган эди. Бироқ, Америка жамиятида, спиртли ичимликларнинг зарарларига оид тадқиқотлар одамларга тақдим этилишига қарамай, спиртли ичимликларга муккасидан кетганлар кўпайди. Горбачёв даврида Совет Иттифоқида ҳам айти шу ҳол юз берди. Чунки унинг тажрибаси янада аянчлироқ муваффақиятсизликка учради. Айти пайтда, маст қилувчи ичимликнинг таъқиқлангани борасида исломий тушунчаларга эга бўлган 1,6 миллиард мусулмоннинг, гарчи уларнинг орасида ушбу қоидага риоя қилмаган оз сонли кишилар топилса ҳам, маст қилувчи ичимликдан ихтиёран тийилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу шуни кўрсатадики, инсон турмуш тарзига таъсир ўтказувчи энг кучли омил ҳаёт ҳақидаги тушунчалардир.

Кўриб турганингиздек, қонунларни қабул қилишда одамлар дуч келадиган биринчи тўсиқ шуки, улар қонунларни қабул қилишдан кўзланган мақсадлар ва уларнинг табиати ҳақида, шунингдек, уларни талқин қилиш ва уларга қандай эришиш тўғрисида ихтилофлашадилар. Бундан ташқари, қонунлар қадриятларга зид бўлган тақдирда, ушбу қадриятларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида улар турли қарашларга эга! Масалан, кўпинча қабул қилинган қонунлар шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва хавфсизлик масаласида бир-бирига зид келади. Бу инсоннинг тўғри қонунларни чиқаришига тўсқинлик қиладиган биринчи жиддий тўсиқдир.

Кўриб турганингиздек, Ғарб қонун чиқарувчиси жамиятнинг тўхтовсиз ривожланиши, кўз- қарашларнинг ўзгариши ва бунга мос равишда жамоат манфаатларининг ўзгариши билан тўқнаш келди. Оммавий ахборот воситаларида узоқ вақт давомида муайян қадриятлар муқаддаслаштирилди. Кейин жамиятнинг улар ҳақидаги кўз-қарашини ўзгартиришни истаган нуфузли кишилар пайдо бўлди. Бунга жамиятнинг гейлар ҳуқуқи, наркотиклар ҳамда қонунан тақиқланган ва ҳозирда қонунийга айланган наша истеъмоли ҳақидаги кўз қарашини мисол қилиш мумкин. Бу эса уларни қонунчиликдан кўзланган мақсадларни тушунишга, ҳар бир мақсаднинг аниқ таърифини беришга, қонун қабул қилишда мақсадлар қандай эътиборга олиниши кераклигини тушунтиришга унчалик аҳамият бермасликка ундади. Чунки уларда мақсадларнинг ўзи ўзгаришга мойил. (Бу мақсадларнинг аксариятини улар Ислом шариатидан кўчириб олишган). Шундай экан, ушбу мақсадларга хизмат қилувчи қонунлар ҳақида нима дейиш мумкин!

Ғарбликларда қонунларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсаднинг аниқ бўлмаслиги муқаррар равишда қонундан ногўғри фойдаланишга олиб келади. Бу билан қонун кўп ҳолларда ўзининг ишончлилиги ва бетарафлигини йўқотади. Шунинг учун қонундан кўзланган мақсаднинг аниқ бўлиши, шунингдек, қонуннинг барча қирралари тушунарли бўлиши ваколатга эга бўлган шахсларнинг қонундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишини имконсиз қилади. Агар мақсад ноаниқ ва ўзгарувчан бўлса, таърифлар беқарор бўлса, қонунлардан фойдаланиш кўлами муқаррар равишда кенгайди.

Агар жамият ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бошқаларга нисбатан ҳамдардлик ва масъулият асосида қурилмаган бўлса, буларга қонунларни қабул қилиш орқали эришиб бўлмайди. Буларга фақат мабдага асосланган фикр билан эришиш мумкин. Бироқ, илмоний мабдада бундай нарса йўқ. Мабданинг ўзида бу эътиборсиз қолдирилган бўлса, қонун чиқарувчилар бунга қандай қилиб эътибор қаратишсин?! Инсон учун бундан ҳам ёмонроқ нима бўлиши мумкин?! Яроқли ва тўғри ечимларга эга бўлган Ислом билан, нуқсонли, қонунчилиги муваффақиятсиз бўлган илмонийлик ўртасида нақадар катта фарқ бор!

Қонун чиқариш ҳуқуқига ким эга? – деган саволга жавоб беришдан олдин аниқлаб олиниши керак бўлган мезонлар:

Қонунчилик натижаларининг тўғри ёки нотўғри, яроқли ёки яроқсиз эканига қайси мезонларга кўра баҳо бериш мумкин? Бошқарувнинг билиттифоқ тан олинган энг муҳим қадрияти адолатдир. Қонунлар, энг аввало, адолатни рўёбга чиқариши ва одамларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши керак. Шу боис, қонунларнинг адолатни рўёбга чиқариши ёки чиқармаслиги асосий мезон сифатида мисоллар орқали муҳокама қилинади. Биз қонунлар орасидан адолатни рўёбга чиқариши керак бўлганларини танлаймиз ва бу ҳақиқатдан ҳам шундайми ёки йўқми, буни кўриб чиқамиз. Шунингдек, инсоннинг қонунга алоқадор бошқа қадриятларга бўлган эҳтиёжини ҳамда уларга риоя қилиниши ва амалга оширилишини кўриб чиқамиз:

Биринчи: Қонун чиқарувчининг қонунчиликдан кўзланган, барча замон ва макондаги ҳар бир инсон учун яроқли бўлган мақсадлар амалга ошишини таъминлашга қодирлиги. Яъни қонун ва муолажаларнинг барқарорлиги ҳамда муаммоларга воқеликка мос, манотни рўёбга чиқарувчи аниқ ва тўғри ечимларни бериш қобилияти.

Қонун ҳамма замон ва маконга мос бўлиши керак, дедик. Келинг буни эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар мисолида кўриб чиқайлик. Навни сақлаб қолиш ғаризасининг ушбу кўринишини қондириш тўртта йўлдан бири: табиий қондириш (турмуш қуриш), нотўғри қондириш (зино), ғайритабиий қондириш (гомосексуализм) ёки умуман қондирмаслик билан бўлиши мумкин. Яқин йиллардаёқ Ғарб давлатларида гомосексуал муносабатлар тақиқланган эди. Аксарият инсоний қонунлар бундай муносабатларга

шафқатсизларча қарши курашган. Ҳозирга келиб, кўплаб қонунлар бундай муносабатларни жиноят деб тан олишдан бош тортди ва бундай никоҳларни тақиқлашни бекор қилди. Келинг, қуйидаги тахминни кўриб чиқайлик: Агар бундай қондириш тўғри бўлиб, юқорида айтиб ўтилган қонуний қадрият ва мақсадларни рўёбга чиқарадиган бўлса, демак, қонун чиқарувчилар узоқ вақт давомида баъзи одамларни ўз ҳуқуқларидан фойдаланишдан маҳрум қилган, кейин, уларнинг хатолари аён бўлиб, хатоларини тузатиш имконсиз бўлиб қолган бўлади. Чунки кимлардир қонуннинг уларга жиноятчи сифатида, жамият қувилган шахс сифатида қараши туфайли азоб чекиб яшаб ўтган бўлади.

Кейин, гомосексуализм қонунийлаштирилганидан бир мунча вақт ўтгач, унинг хавfli жинсий касаллик эканлиги, уни қонунийлаштириш нотўғри илмий тадқиқотларга асосланганлиги, унинг оқибатлари ҳалокатли бўлиши ва унинг қабих, ҳайвоний алоқа эканлиги аён бўлса, улар ўз хатоларининг оқибатларини асло тузата олмайдилар. Қонунлар ҳар доим ва ҳамма жойда тўғри бўлиши, шунингдек, инсон ва жамият тажриба майдонига айланиб қолмаслиги керак.

Хатти-ҳаракатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини қайси мезонлар асосида тушуна оламиз? Бу саволнинг жавобига қонун тузувчи шахс, бошқарув, бошқарувнинг жамият ва шахсдаги натижалари билан боғлиқ масалаларда қонунчиликнинг яроқлилигини кафолатловчи белги ва хусусиятларни ўрганиш билан эришилади.

Қабул қилинган қонунларнинг барқарорлигига келсак, бу муаммолар қайси нуқтаи назардан кўриб чиқиладиганига боғлиқ. Ғарб қонун чиқарувчиси муаммоларга эркинлик ва манфаат нуқтаи назаридан қарайди. Бу нуқтаи назар ғоят ўзгарувчан бўлиб, доим турли талқинларга дучор бўлади. Ислом инсоннинг ишларни ўзининг узвий эҳтиёжи ва ғаризаларини қондириш учун бажаришини ҳисобга олган ҳолда, бу ишлар учун ечимларни келтириб, қондиришнинг қонун-қоидаларини белгилади. Чунки инсон ҳар доим ва ҳамма жойда инсон бўлиб қолади. У нав ғаризасини юқорида айтиб ўтилган тўртта йўлнинг бири билан қондиради. Ислом унга нав ғаризасини қондириш ҳақида ҳар бир замон ва макон учун яроқли, ўзгармас, тўғри тасаввурни беради. Ғарб қонун чиқарувчиси эса муаммога турли нуқтаи назар асосида қарайди. Масалан, баъзида эркинлик нуқтаи назаридан қарайди.

Шунинг учун унинг наздида ким зино қилишни хоҳласа, бу унинг эрки ва агар ким ғайритабиий жинсий муносабатда бўлишни истаса, модомики иккинчи томон ҳам бунни истар экан, бу ҳам унинг эрки. Бу нуқтаи назар жуда хавфлидир. «Неолиберал капитализм ҳукмронлигига эришиш мақсадида жамиятларни парчалаш учун оилавий муносабатларни бузиш» бўлимида биз келтирган статистик маълумотларга қаранг: Бундан ташқари, агар сиз худди шундай ёндашувни (яъни эркинликка эришишни) гиёҳванд моддаларга нисбатан қўлласангиз, жуда катта муаммога дуч келасиз. Агар уни қотилликка қўлласангиз, ҳалокатли оқибатларга гувоҳ бўласиз. Ушбу ёндашувни қурол олиб юришга қўллаш, қуйидаги статистик маълумотларга олиб келди: «Қўшма Штатларда 2013 йилнинг январидан 2018 йилнинг мартигача бўлган даврда ўқ отар қуролдан фойдаланиш оқибатида 7706 киши жароҳатланган ва 2594 киши вафот этган». Шундай экан, эркинликдан қачон фойдаланиш мумкин ва қачон мумкин эмаслигини белгиловчи мезон қани?! Албатта, бундай мезон йўқ. Чунки Ғарб қонун чиқарувчисига ҳавойи-нафси ҳукмронлик қилади.

Ушбу сабабларга ва булардан бошқа кўплаб сабабларга кўра, қонунчиликнинг инсонга ва унинг ҳавойи-нафсига эмас, балки Аллоҳга тегишли бўлиши кераклиги бизга мутлақо аён бўлди. □

ИБРОҲИМИЙ ДИНИГА БЎЛГАН ДАЪВАТ АДАШТИРИШ ВА БУЗИШДИР!

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Шу кунларда иброҳимийлик динига учта самовий динни (Ислом, насронийлик ва яҳудийлик динларини) бирлаштирувчи дин сифатида даъват қилиш масаласи дунё миқёсида тарқалмоқда. Шундай экан, унинг ҳақиқати нимадан иборат? Мақсадлари нима? Унинг даъватчиларига қарши ҳамда адаштириш ва бузишга қарши қандай курашиши лозим? Ушбу уч саволга жавоб беришдан олдин, динларнинг номланишига алоқадор айрим ҳақиқатларга тўхталишни ва бундаги тўғри йўналиш нима эканлигини баён қилишни хоҳлаймиз.

Араб тилида дин калимаси луғат китобларида шундай келади: دان феълининг маъноси бўйсунди ва итоат қилди, деганидир. Шундай экан, дин улуғлаш, бўйсунуш ва итоат қилиш маъносида бўлади. Аллоҳнинг дини деганда у орқали Аллоҳни улуғлаш, итоат қилиш ва бўйсунуш тушунилади. Дин ўзининг ушбу маъноси билан дастур ва йўл бўлиб, биз у орқали Аллоҳга итоат қиламиз, бўйсунамиз ва таъзим қиламиз.

Иккинчи масала: дин сўзи соғлом воқелик нуқтаи назаридан, Аллоҳ Азза ва Жалла билан боғлиқ калима бўлиб, тўғри манҳаж, яъни Аллоҳ Таолога ишонаётганимиз тўғри манҳаждан бошқа нарсага бу ном берилмаслиги керак. Биз динни фақат Аллоҳдангина қабул қиламиз. Бу эса битта дин, яъни Исломгагина мос келади. Шунинг учун дин калимаси Раббоний диннинг тўғри тушунчаси сифатида на яҳудийлик, на насронийлик, на иброҳимийлик ва на бошқасига тўғри келади. Гарчи уларни ифодалаш учун истилоҳий маъно сифатида дин деб аташ жоиз бўлса-да.

Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло ва унинг Росули ﷺ буни Қуръони карим ва суннати набавийда баён қилган.

﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ وَمَا اخْتَلَفَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَعِيًا بَيْنَهُمْ وَمَنْ يَكْفُرْ بِآيَاتِ اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾

«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир. Аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар) уларга (Ислом ва Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбарлиги ҳақида) ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-адоват қилганлари

сабаблигина талашиб-тортишдилар. Ким Аллоҳнинг оятларини инкор қилса, бас, албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдир» [Оли Имрон 19]

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» [Оли Имрон 85]

Росулуллоҳ ﷺ айтади:

﴿وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَا يَسْمَعُ بِي أَحَدٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ يَهُودِيٍّ وَلَا نَصْرَانِيٍّ، ثُمَّ يَمُوتُ وَمَ

يُؤْمِنُ بِالَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ، إِلَّا كَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ﴾

«Мухаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, яҳудийми ёки насронийми ушбу Умматдан бўлган ҳар қандай киши мен ҳақимда эшитиб туриб, мен келтирган рисолатга иймон келтирмаган ҳолда вафот этса, у дўзах аҳлидан бўлади». Муслим ривояти.

Аммо Иброҳимийлик дини ҳақиқати ҳақида айтадиган бўлсак, Иброҳим ﷺ пайғамбарларнинг отаси бўлиб, Аллоҳ Таоло у кишини ўзи яшаган даврда одамларни бутларга ибодат қилишидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чиқариш учун юборган. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда у кишининг дини ва йўналишини сифатлар экан, соф мусулмон бўлганини айтиб бундай деган:

﴿مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган» [Оли Имрон 67]

Ҳаниф сўзининг маъноси ботилдан ҳақиқатга мойил бўлувчи деганидир. Ҳаниф – жанифнинг зиддидир, чунки жаниф ҳақиқатдан ботилга мойил бўлувчи маъносини англатади. Дарҳақиқат яҳудий ва насронийлар Росулуллоҳ ﷺ ҳузурида тортишишди. Яҳудийлар: Иброҳим яҳудий бўлган десалар, насронийлар Иброҳим насроний бўлган дейишди. Шунда Қуръони карим уларни етук суратда рад этиб бундай деди:

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلُ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا

تَعْقِلُونَ﴾

«Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган, деб) талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизларми?!»

[Оли Имрон 65]

Кейин оятлар бундай давом этади:

﴿مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган»

[Оли Имрон 67]

Бузуқ яҳудийлик ҳам насронийлик ҳам Аллоҳга ширк келтирувчи динлардир. Аллоҳ Таоло уларнинг мушрикликларини шундай ифодалайди:

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودُ عِزَّىٰرُ بْنُ آلَهِ وَقَالَتِ النَّصَارَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ

يُضِلُّهُنَّ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَتَلَهُمُ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Исо) Масих Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а!»

[Тавба 30]

﴿إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлардир, (сўнг) ушбу Набий (Муҳаммад алайҳиссалом)дир, (сўнг) мўминлардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир»

[Оли Имрон 68]

Энди мўминлар Иброҳимга ҳақлироқ эканлигининг сабаби ҳақида айтадиган бўлсак, худди муслмонлар Аллоҳни ягоналаб, унга ҳеч нарсани шерик қилмаганларидек, Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳни ягона деган ва унга ширк келтирмаган ҳаниф киши бўлган.

Аммо ушбу динга бўлган бугунги даъватнинг ҳақиқатига келсак, у адаштириш, бузиш ва Аллоҳнинг йўлидан тўсиш бўлиб, улар бу билан динни бузишни истайдилар. Дин борасида бузиш ва адаштириш янги нарса эмас. Аллоҳ Таоло бу ҳақда зирор масжиди қиссасида мисол келтирган. Зеро, мунофиқ кофирлар бундай чақирув билан динни парчалашни хоҳлашган эди. Ўша пайтда бу

иш зирор масжидининг қурилишида намоён бўлган. Бугунги кунда эса Иброҳим عليه السلامнинг динига даъват қилишда ўз аксини топяпти.

﴿وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مَسْجِدًا ضِرَارًا وَكُفْرًا وَتَفْرِيقًا بَيْنَ الْمُؤْمِنِينَ وَإِرْصَادًا لِمَنْ حَارَبَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ مِنْ قَبْلُ وَلَيَحْلِفُنَّ إِنْ أَرَدْنَا إِلَّا الْحُسْنَىٰ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ﴾

«Яна шундай кимсалар ҳам борки, улар (мўминларга) зиён етказиш, куфрни кучайтириб, мўминлар ўртасига тафриқа солиш ҳамда илгари Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши уришган (бир) кимсага кўз тутуш учун (фитна юзасидан) масжид қуриб олдилар. Яна: «Биз фақат яхшиликнигина истаган эдик», деб қасам ҳам ичадилар. Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз ёлғончилардир» [Тавба 107]

Ҳа, бу иш зоҳирида одамларни Иброҳим عليه السلام дини атрофида бирлаштириш бўлиб кўриняпти. Бироқ, мақсад одамларни бирлаштириш ва жамлаш эмас. Балки бу Аллоҳнинг тўғри динига қарши кураш услубларидан биридир. Бу даъват ҳамда динларни яқинлаштириш, тинч тотув яшаш, динлар бирлиги, экстремизмга қарши кураш ва адаштирувчи мўътадилликка бўлган даъватлар, буларнинг барчаси бузғунчи муваффақиятсиз даъватлардир. Улар Аллоҳнинг дини ва Ислому Уммати душмани бўлмиш жиноятчи Ғарб хоҳлаганидек ўз самарасини бермади.

Аммо ушбу бузғунчи даъватнинг мақсадларига келсак, унинг айрим мақсадларини (зеро, унинг мақсадлари жуда кўп) эслатишдан олдин, шуни айтамыз:

1 – Дарҳақиқат исломий фикр Ғарб фикрлари ҳамда яҳудийлик ва насронийликдан иборат бузуқ эътиқодлар билан тўқнашганда Ғарб муваффақиятсизликка учради. Бу эса Аллоҳ Таолонинг фазли ва ушбу динни сақлаши туфайли рўй берди.

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9]

2 – Ислому дини ўтган аср охирлари ва жорий аср бошларида дунё бўйлаб кенг ёйилди. Зеро, Америкада тадқиқот марказлари (федерал статистик марказ) томонидан Европа ва бошқа давлатларни ҳисобга олмаганда, фақат Американинг ўзида ҳар йили йигирма мингга яқин киши Ислому кираётгани эълон қилинган.

3 – Ғарб тинчлик шартномалари тузиши, тадқиқот марказлари ташкил этиши ва ҳукмдорларга тобе адаштирувчи уламоларни ишга солишига қарамай, мусулмонлар тасаввурида яҳудийларнинг суратини ўзгартира олмади ва уларни мақбул жисмга айлантира олмади. Чунки Аллоҳ Таолонинг қавли мўминларнинг қалбини мустаҳкамлашдан тўхтамаяпти.

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا لِّلَّذِينَ ءَالَّذِينَ أَشْرَكُوا﴾

«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз» [Моида 82]

4 – Ислом билан ҳукм юритишни қайта тиклашга бўлган даъват мусулмонлар томонидан қабул қилинди. Бу иш кўпчилик мусулмонларда жамоатчилик фикрига айланди. Бу эса кофирларни нафратини қўзғаб, мусулмонларни ўз динидан тўсиш йўллари кидирадиган қилиб қўйди.

Аслида, ушбу даъватдан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат: Аллоҳ Таолонинг динидан тўсиш ҳамда Ислом Уммати, жумладан Фаластин халқи ва муборак заминдаги муқаддас даргоҳлар, хусусан Масжидул Ақсо ҳисобига сионистик лойиҳа учун хизмат қилиш, шунингдек, Ислом бошқарувини қайта барпо этишдек юксак исломий лойиҳага қарши кураш. Аммо янги салиб юришлари ва глобал сионизм вакили бўлган Ғарб бу чақириқдан қандай фойдаланаётганига келсак, ушбу ботил даъватнинг тарихига ва қандай қилиб бугунги босқичга келганига бироз қайтиш лозим бўлади. Бу ҳақда қисқача айтиб ўтаман. Чунки бу масала ушбу баҳсимиздаги асосий мавзу эмас.

Ислом даъватининг бошланиши, яъни яҳудий ва насронийлар биз Иброҳимга ҳақлироқмиз ва биз унинг йўли ва шариатидамиз деб мусулмонларни адаштиришни хоҳлаганларида, ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, Қуръон уларни етук суратда рад этди. Аббосийлар Халифалиги даврида зиндиқларнинг айримлари бу даъватни қабул қилишди. Улар даҳрийлар ва ваҳдатул вужуд даъватчилари деб аталди. Халлож ва бошқалар шулар жумласидан эди. Ўтган асрнинг ўн тўққизинчи йилларида Луи Массиньон исмли шарқшунос пайдо бўлди ва Халлож ҳақида бир нечта китоб ёзди. Сўнг динлар бирлиги ва Иброҳимий дин тушунчасини қабул қилди. У Қоҳира университетида мударрислик қилар экан, Исломий олам мажалласига Иброҳимий дин ҳақида бир неча

мақола ёзди. 1949 йил «Барча мўминлар отаси Иброҳимнинг уч вақт намози» номи билан нашр этилган мақоласида ҳам шу ҳақда ёзган. Сўнгра Франциялик шарқшунос Максим Родинсон 1979 йили «Араблар» номли китобини ёзиб, унда динлар бирлиги ва Иброҳимий дин масаласини тилга олди.

Бу даъват сионистик лойиҳага хизмат қилувчи кўплаб сиёсий мақсадларга мос эди. Биз ушбу мавзумизда ўша нарсага қисқача тўхталамиз. Биринчи қадамлар Миср президенти Анвар Садат 1979 йил Кэмп-Дэвид шартномасини имзолаганда қўйилди. Ўшанда Садат, Америка президенти Жимми Картер ва яҳудий вужуди бош вазири Менахем Бегинлар (Иброҳимнинг болалари) деган гапни кўп такрорлар эканлар, бундай дейишган эди: «Биз барчамиз араб ва яҳудийлар Иброҳимнинг фарзандларимиз, шунинг учун ўртамызда тинчлик ҳукм суриши лозим».

Исломига, экстремизмга ва исломий жамоаларга қарши курашга ихтисослашган РАНД корпорацияси каби айрим Америка ташкилотлари ушбу атамани қабул қилди. БМТ каби халқаро ташкилотлар 2001 йили ушбу мавзу ҳақида «Динлараро мулоқот ва бўлинишни бартараф этиш» номли тадқиқотни чоп этди. Бу динлар бирлиги ва Иброҳим ﷺ динига асосий даъватлардан бири бўлди. 2021 йили руҳоний Франсис каби айрим Ватикан етакчилари ҳам ўша фикрни қабул қилди. У Ироқнинг Ур шаҳридан туриб, (Иброҳимий дини) шиори ва исломий экстремизмга қарши кураш шиори остида динлар бирлигига чақирди.

Яқинда Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн Иброҳимий уй, деб аталган нарсани қуриш ва учта дин учун умумий ибодатхонани ташкил этишга киришишди. Уларнинг қурилиши 2022 йил яъни шу йилда ўз ниҳоясига етади. Ушбу янги даъват остида асосан яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш ва шунга шошилиш масаласи ётибди. 2020 йили ушбу адаштиришни эълон қилиш маросимига Америка президенти Трамп шахсан ўзи қатнашди.

Мавзунинг иккинчи томонига, яъни ушбу адаштирувчи даъватдан кўзда тутилган мақсадларга етиб келдик: Яҳудий ва насронийлар бу даъват ортидан ҳақиқатдан ҳам мусулмонларга хизмат қилишни хоҳлашадими? Ёки тўғри исломий фикрни вайрон қилиб, бошқа сиёсий мақсадни амалга оширишни хоҳлайдиларми?! Ушбу янги даъватнинг энг хатарли жиҳати шундаки, ундан «ҳақиқат фақат Ислому Умматига ва Фаластин

аҳлига хос эмас», «Фаластин ери хусусида келган исломий аҳкомлар динлар бирлиги ва асоснинг бирлиги (Иброҳим болалари) орқали рад этилади», каби даъволар билан яҳудий вужудини мустаҳкамлаш ва уни Фаластин заминида мустаҳкам ўрнатиш кўзланган. Шундай экан, улар дин ва ерда шерикдирлар ва ер Фаластин аҳлига хос эмас деган эътиборда яҳудий вужудини Фаластин ерига ўрнаштиришдир.

Иккинчи масала: Ақсо нафақат Фаластин аҳли ва мусулмонларга хос, балки у Иброҳим болаларининг диний меросидир. Шунинг учун у ерда худди мусулмонлар каби ўз ибодатларини адо этишлари мумкин. Шунингдек динлар бирлигидан келиб чиқиб, мусулмонлар каби у ерда яшашлари мумкин.

Учинчи масала: яҳудийларга бўлган диний адоват ҳолатини тугатиш ва Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا لِّلَّذِينَ ءَشْرَكُوا﴾

«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз» [Моида 82]

қавли каби шу масалага алоқадор барча оятларни бекор қилиш. Шунингдек, динлар бирлигига қарши барча жамоаларга қарши кураш ва уларни экстремист жамоа деб ҳисоблаш ва уларни қамаш.

Тўртинчи масала: Фаластинга хос халқаро тил бириктирувларни, хусусан 1967 йили БМТ томонидан чиқарилган (242) сонли қарорни мустаҳкамлаш. Дарҳақиқат, БМТ анча олдин бу ифлос даъват (Иброҳимий дин)ни қабул қилган ва Ватикан руҳонийси Франсис унга барака тилаб дуо қилган эди.

Юқорида айтилганлар мусулмонлар ҳамда Исро ва меърож ерини босиб олган яҳудийлар ўртасидаги душманчилик билан боғлиқ ғаразли мақсадларнинг айримларидир.

Аммо бу ифлос мақсадларга қарши қандай курашишга келсак, ҳақиқат шуки, Исломий Уммат бу ишлардан хабардор. Дарҳақиқат, нормаллаштиришга бўлган олдинги ҳаракатлар ва тинчлик тушунчаларини ўрнатиш масалалари муваффақиятсизликка учраган. Бу ҳақда яҳудий вужуди бош вазири 1978 йилда имзоланган Кэмп-Дэвид шартномасига 40 йил ўтгандан кейин Кнессетдаги нутқида бундай деган: «Қўшни давлатлардаги айрим

ҳукуматлар билан совуқ сулҳга эришдик... Аммо халқлар билан тинчликка эриша олмадик».

Ушбу ғаразли даъватларга қарши туришдаги биринчи иш шуки, яҳудий ва насронийларнинг кофирлиги тўғрисидаги ақидавий тушунчаларни мустаҳкамлаш керак. Шунингдек, улар Иброҳим عليه السلامнинг издошлари эмаслиги, балки Иброҳим عليه السلام улардан ва уларнинг ширкидан поклиги ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаш лозим.

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصْرَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضِلُّهُنَّ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَتَلَهُمُ اللَّهُ أَلَىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٣٠﴾ اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Исо) Масих Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих ибн Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч илоҳ ўйқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир» [Тавба 30-31]

Иккинчи иш: барча кофирларга нисбатан душманлик тушунчасини мустаҳкамлаш.

﴿لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ﴾

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оғанилари ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да, дўстлашаётганларини топмасиз» [Мужодала 22]

Биз билан куфр ўртасидаги адоватнинг илдизи ақидавий душманчиликка бориб тақалади! Тарихий ёки қандайдир маконга ё жойга хос душманлик эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا يَزَالُونَ يَقْتُلُونَكُمْ حَتَّىٰ يَرُدُّوكُم عَن دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَعُوا وَمَن يَرْتَدِدْ مِنكُم عَن دِينِهِ فَمَا لِيُكْفِرُ فَأُولَٰئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَلُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

«Улар (кофирлар) қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажаклар» [Бақара 217]

Учинчи иш: яҳудий вужуди билан бўладиган ҳар қандай нормаллаштириш ёки Ақсони тақсимлаш ҳаракатларига қарши туриш. Бу Амирликлардан бўладими ёки халқаро ва маҳаллий ташкилотларданми бунинг фарқи йўқ.

Тўртинчи иш: исломий бошқарув соясидаги Ислом шарафини қайта тиклаш йўлида фаолият олиб бориш. Токи, зарарли бошқарув соясидаги ушбу тил бириктирувга қарши амалда иш олиб борилсин.

Хотима сифатида айтамикки, кофирлар муслмонларни адаштириш учун қадимдан кўп ишлар билан шуғулланишган. Лекин Аллоҳ Таоло бу Уммат фарзандларидан Исломни ҳимоя қилувчиларни тайёрлаб қўйган. Бу иш Аллоҳ Таоло ер ва унда бўлган нарсаларни қайтариб олгунигача давом этади. Буни Аллоҳ Таолонинг қўйидаги қавли ҳам тасдиқлайди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَن سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُخْشَرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар»

[Анфол 36]

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَىٰ اللَّهُ إِلَّآ أَن يُثَبِّتَ نُورَهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾
 ﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламасалар-да, фақат Ўз нуруни тўла (яъни, ҳар

тарафга) ёйишни истайди. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» [Тавба 32-33]

Шунингдек, Росулulloҳнинг қўйидаги ҳадиси ҳам тасдиқлайди:

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي عَلَى الدِّينِ ظَاهِرِينَ، لِعَدُوِّهِمْ قَاهِرِينَ، لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَالَفَهُمْ إِلَّا مَا أَصَابَهُمْ مِنَ الْأَوْءَاءِ حَتَّى يَأْتِيَهُمْ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذَلِكَ. قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَأَيْنَ هُمْ؟ قَالَ: بَيْتِ الْمَقْدِسِ وَأَكْنَافِ بَيْتِ الْمَقْدِسِ»

«Умматимдан бир гуруҳ кишилар динда ғолиб бўлиш ва душманларини мағлуб қилишда тўхтамайдилар. Қарши чиққанлар уларга зарар етказа олмайди. Фақат уларга турли азоб-уқубатлар етади, холос. Аллоҳнинг амри келганга қадар улар шундай ҳолатда давом этадилар. Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Росули улар қаерда бўладилар деб сўрашган эди, Росулulloҳ ﷺ: Байтул Мақдис ва унинг атрофида, деб жавоб бердилар». Имом Табароний чиқарган.

Аллоҳ Таолодан мушрикларнинг Ислому Уммати устидаги ҳийланайрангларини кетказишини, Салоҳиддин Айюбийдек Ақсо масжиди ва унинг атрофидаги ерларни яҳудийларнинг ифлослигидан тозалайдиган ҳамда Ислому Умматини битта давлатда бирлаштирадиган Раббоний раҳбар билан икром қилишини сўраймиз. Давлатки, Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилади ва ундан ушбу хурофот, бузишлар ва адаштиришларни кетказади. Аллоҳим ўзинг дуоларимизни қабул эт. Охирги дуойимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

ЛЮДОВИК ТҰҚҚИЗИНЧИ ИЗИДАН... МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ УРУШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мусо Абдушшакур Халил

Ислом душманлари мусулмонларнинг куч-қудрати ўз динларида мужассам эканини англаб етишди. Яъни ушбу ақида атрофида бирлашиш, унинг аҳкомларини маҳкам ушлаш, ирқ ва ранглари турлича бўлишига қарамай, дин уларни бирлаштирадиган исломий биродарлик ришталари билан боғланишда мужассамлигини тушуниб етишди. Шунинг учун мусулмонларнинг ақидалари ҳақидаги тушунчаларини тубанлаштириш ва шариат аҳкомларига содиқликларини сусайтириш лозим, шунингдек, биродарлари билан ўзаро боғлаб турган ва улардан душман ҳисобга олмаса бўлмайдиган кучни пайдо қилаётган биродарлик ришталарини узиш керак, деган қарорга келишди. Бу нарса Ислом ва мусулмонларни ёмон кўриш, уларга макр қилиш ҳамда фикрий ва сақофий жиҳатдан уларни бузиш учун кофирларнинг ҳар доимги одатига айланди. Мусулмонлар билан куфр ўртасидаги адоват эса Аллоҳ Таоло ер ва ундаги нарсаларни қайта мерос қилиб олғунига қадар давом этади. Чунки у бўлиши муқаррар бўлган қонун бўлиб, замон ва маконга қараб услублари турлича бўлади. Унинг босқичлари табиатига қараб тўқнашув ҳам турлича бўлади.

Дарҳақиқат, Ислом мусулмонларни кофир халқлардан таъсирланишдан ва уларнинг йўлларига юришдан огоҳлантирган. Ёки кофирларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий режаларни тузиб берадиган дўст қилиб олишдан қайтарган. Шунингдек, уларга бу Аллоҳнинг манҳажига зид эканини баён қилиб, буни Раббоний буйруқларга очиқ қаршилик деб ҳисоблаган.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Эй мўминлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» [Моида 51]

Кофир халқларнинг услубларидан бири мусулмон фарзандларини ўзига жалб қилиш, уларга ғарб нуқтаи назарини сингдириш, мусулмон юртларга уруш қилишда ва уларни ҳарбий

йўл билан босиб олишда ёрдам беришлари учун улардан фойдаланиш, исломий оламга иқтисодий ҳукмрон бўлиш ва уларни майда давлатчаларга бўлиб юборишдир. Бундан ҳам хатарлиси Исломга зарба бериб, уни террорда айблашдир... Ғарбга бўлган тобелик сиёсий ва ҳарбий соҳага чекланиб қолмади, балки у сақофий ва ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олди. Сақофий майдонда исломий оламини Ғарбнинг фикрий тизимига қўшиб олиш учун кофирлар байроғи остида ишлайдиган бузғунчи ғарблашган илмоний гуруҳ ҳукмронлик қилди. Кўзланган мақсад эса исломий ўзликка чек қўйиш ва Умматнинг ўзгармас қадриятлари ўрнига Ғарб қадриятларини тиклаш эди.

Аллоҳнинг йўлидан тўсишга уринишлар ҳозирги замонда икки юз йилдан кўпроқ вақт олдин бошланди. Бу Мисрда асирга олиниб, кейинчалик асирлар алмашинуви натижасида озод қилинган Франция қироли Людовик тўққизинчи васиятининг давомидир. Зеро у мусулмонларни фикрий жиҳатдан мағлуб этиш зарурлигини тавсия қилди, чунки исломий қўшин енгилмас эди. Шундай қилиб, Людовик тўққизинчи Исломга қарши фитна режаларини ишлаб чиқди ва улар қуйидаги асосларга қурилган:

Биринчидан: Ҳарбий салиб юришларини худди шу мақсадни кўзлайдиган тинчлик салиб юришларига айлантириш. Икки юриш ўртасидаги фарқ фақат ушбу юришларда қўлланиладиган қуролларда.

Иккинчи: Исломий таълимотга қарши кураш, унинг ёйилишини олдини олиш, уни маънавий жиҳатдан йўқ қилиш учун Ғарблик миссионерларни тинчлик жангига сафарбар этиш ва уларни Ғарб қўшинлари деб ҳисоблаш.

Учинчи: «Шарқ насронийлари»дан Ғарб сиёсатини ижро қилишда фойдаланишга ҳаракат қилиш.

Тўртинчи: Ғарб учун Шарқнинг қоқ марказида база ўрнатишга ҳаракат қилиш. Ғарб уни ўзининг ҳарбий кучлари ҳамда сиёсий ва диний даъвати учун марказ нуқтаси қилиб олади. Дарҳақиқат, Людовик тўққизинчи бу база учун Ливандаги соҳиллар ва Фаластинни танлаган эди.

Людовикнинг тавсияси Ғарб томонидан миссионерлик ва шарқшунослик институтлари ёрдамида тузилган режага асос бўлди. Унинг энг муҳим вазифаси исломий тушунчалар ҳақида шубҳа уйғотиш эди. Шундан кейин Мальта ярим оролига биринчи миссионер гуруҳи юборилди ва бу турли номлар остида Байрут

томон кенгайди. Сўнгра режалаштирилганидек Ливан ва Фаластин Ғарб базасига айланди. Ушбу тавсиялар Исломга қарши кураш ва уни илдизи билан йўқ қилиш учун барча насроний давлатлар томонидан қабул қилинди.

Ғарб мана шу режа асосида муфаккирлар, назариётчилар ва ахборот воситаларидан иборат қўшин тузди. Натижада биринчи марта Халифалик мусулмонлар ҳаётидан узоқлаштирилди. Тугуннинг ипи узилиб, доналари сочилиб кетди. Усмоний давлат қисмларга бўлиниб, қотиллар унинг меросини баҳам кўришди. Шундай қилиб, исломий олам бошига қарамлик, таназзул, талончилик ҳамда мол ва ресурсларни уюшган ҳолда талон-торож қилиш ҳолатлари тушди. Улар ҳарбий урушлар эришган нарсалардан ҳам кўпроғига эришди.

Ушбу режа муваффақиятли бўлгач, кофирлар исломий оламни таназзулда ушлаб турадиган ҳамда мусулмонлар ва уларнинг юртлари ўстидан доимий назоратни кафолатлайдиган барча сабабларни ушлашга шошилдилар. Кофирлар Ғарбга қарамлик касаллиги қон оқими билан томирлар орқали ўтадиган касалликка айланиши учун Франция қироли Людовик тўққизинчининг тавсияларидан илҳомландилар. Улар бу тавсияни мустамлакачиликнинг учта йўли: миссионерлик, шарқшунослик ва ғарблаштириш орқали амалга оширишга киришдилар. Унинг дастурлари орасида қўйидагилар жой олган эди: бузғунчи даъватлар ва жоҳилият тенденцияларини (қарашларини) қайта тиклаш, авлодларнинг дин ва Ислом сақофатига қайтишига йўл қўймаслик учун манбаларни қуритиш, мусулмонларнинг ўзларига ва динига бўлган ишончини йўқотиб, ҳар бир ишда Ғарбга тақлид қилиши ва кофирнинг қучоғига ўзини отиши учун уларнинг қалбида шубҳа уйғотиш ҳамда араб миллийлиги, форс миллийлиги, турк миллийлиги каби жоҳилиятдан қолган тушунчаларни қайта тиқиштириш... каби. Зеро, бундай тушунчалар одамлар Исломга кириб, Ислом уларнинг қалбларидан мустаҳкам жой олгандан кейин йўқ бўлиб кетган эди.

Ушбу режа асосида турли жойдаги мусулмонлар ўртасидаги биродарлик тушунчаси парчаланди. Бу нарса ватанпарварлик алоқасини тиклаш, исломий халқлар орасида низо қўзғаш ҳамда мусулмонларнинг юртлари ва минтақалари ўртасига чегаралар ўрнатиш орқали амалга оширилди... Дарҳақиқат, кофирлар асосий эътиборини мусулмонлар бирлиги ва нусратининг рамзи бўлган,

кофирлар мағлубияти ва қўрқувининг манбаи бўлган исломий халифага зарба беришга қаратдилар.

Ғарб ушбу режа асосида қасддан Ислом ҳақида шубҳа уйғотишга киришиб, ўзининг стандартлари бўйича замонга мос келадиган мўътадил исломни белгилади ҳамда уни фундаментал, экстремистик ва террористик Исломдан ажратди... У, шунингдек, таълим дастурларини шакллантиришга ҳамда миссионерлик университетлари ва мактабларни ташкил этишга киришди. Бунга қўшимча, насронийлаштиришга, қадимги ҳазоратларни тирилтиришга ҳамда мусулмонларни Фиръавн ва Кинона ҳазорати каби қадимги ҳазоратларга боғлашга чақирувчи шубҳали клуб ва жамиятларни ташкил қилди. Мана, бугунга келиб, барча динларга – ўзлари даъво қилганидек – муқобил бўлган янги глобал динни яратиш орқали динлар бирлигига чақиряпти.

Бугунги кунда Ислом олами айнан мана шу режа сабабли мусулмонларнинг ақидалари ва бирликларини нишонга олган тил бириктирув ва макр зулматида яшамоқда. Бу ишни Ғарб ўзига тобе ҳукмрон режимлар, илмоний партиялар ҳамда Ғарб доираларига хизмат қилувчи муфаккирлар ва ғарблашган кимсалар билан яқин ҳамкорликда амалга оширмоқда. Ёвуз Ғарб доиралари турли шаклдаги фитналарни пайдо қилишга ва уларни ўша малайлари орқали ифлос суратда ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун Ғарбнинг исломий юртлардаги бугунги сиёсатлари турли воситаларни ишга солди. Бундан мақсад Ғарбнинг бугунги сиёсатлари салиб юришларининг давоми деган нарсани мусулмонлар зеҳнидан чиқариш эди.

Ислом ва мусулмонларга қарши курашдаги бу сиёсатлар баъзида қарши туриш ва баъзида қамраб олиш ва адаштириш услубларини қўллади. Қўйида келтирганларимиз айна услублар жумласидан:

– Исломий оламдаги жосуслик идоралари қилганидек, тарғиб қилиш ва қўрқитиш...

– Фикрларда шубҳа уйғотиш, номигина исломий бўлган ҳамда Ғарб хоҳлаганидек ва унинг стандартларига кўра фаолият юритадиган ҳаракатларни пайдо қилиш ҳамда сўфилик ҳаракатларини қабул қилиш. Зеро, Ғарб сўфизмда қаттиққўл бўлмаган маст қилувчи фикрлар борлигини ва турли динлар ўртасида ҳамкорлик омилларини ўз ичига олганини ва ўз

навбатида, бу Ғарб режалаштирганидек, динларни глобаллаштиришга хизмат қилишини ҳисобга олди.

– Масжидларни назоратга олиш ва масжидга қатнайдиғанларни масхара қилиб, камситиш...

– Мусулмон халқларнинг маънавий руҳини сўндириш...

– Мусулмонлар ўртасида бўлиниш руҳини кучайтириш ва уларнинг қувват манбаларидан бири бўлган яхлитликдан узоқлаштириш...

– Кўплаб ёзувчиларни Исломни хунук қилиб кўрсатувчи мақолаларни ёзишга жалб қилиш. Улар шу орқали онгимизга заҳарли ғояларнинг кириб келишига ҳисса қўшсинлар...

– Жиҳодни мудофаа уруши деб тасвирлаш ва жиҳод тушунчасини қаршилик ҳаракати тушунчасига ўзгартириш.

– Шариатни даражама-даража татбиқ қилиш...

– Исломий шариатнинг шахсий ҳолатлар ва ахлоқ каби қисминигина олиш ва Исломни тўла татбиқ қилмаслик...

– Мусулмон оила ўзлигини ўчириш ва «эркинлик» байроғи остида ахлоқсизлик ва порнографияни ёйишга ҳаракат қилиш...

– Ҳақиқатларни ўчириш ва Усмоний давлат тарихини бузиб кўрсатиш ва уни бошқа мусулмон давлатларга мустамлака давлат сифатида кўрсатиш...

– Қамаш, қувғин қилиш ва қийноққа солиш орқали йўқ қилиш. Шунинг учун исломий оламдаги қамоқхоналар фикр маҳбуслари билан тўлиб кетган...

– Медиада хиралаштириш услубига юриш, Ҳизб ут-Таҳрир каби онгли ва холис исломий партиялар, уламолар ва муфаккирларни кўрсатмаслик орқали ва яхши ёки ёмонлаш билан эсламаслик орқали чеклаб қўйиш. Бу уларнинг тўғрилиги сабабли ва мусулмонлар улардан таъсирланишидан қўрқишгани туфайли қилинади...

– Жамоатчилик фикрини назорат қилиш ҳамда одамларни муҳолифат ва ўзгартириш ҳаракатларига қарши қўйиш учун уларнинг миясини ҳукмрон режимлар ғоялари билан сўғориш...

Ҳа, Ислом ва мусулмонларга қарши кураш аввалда ҳам бўлиб келган, ҳозир ҳам мавжуд. Бироқ у турли хил шаклларга эга бўлиб, очиқ қарама-қарши келишдан қочади. Бу унинг Ислом мабдаси қаршисидаги фикрий банкротлиги натижасидир. Бу кураш ҳукмрон режимлар билан ҳамкорлик қилади. У исломий юртлардан

минтақаларни танлаб олиб, у ерни биринчи фикрий мустамлака қилса, кейин сиёсий ва иқтисодий мустамлакага айлантиради.

Бошқа томондан, биз Исломда бунинг аксини кўрамиз. Чунки Исломда ғайримусулмонларнинг эътиқодларига қарши курашиш йўқ. Уларни ўз ибодатларига қўйиб берилади ва умумий ҳаётда Исломни татбиқ қилиш билан кифояланилади. Халифалик давлатида озчиликлар муаммоси кўтарилмайди, мафкуравий муаммо бўлмайди. Ислом аҳкомлари фуқароларга амалда татбиқ қилиниши ва улар билан адолат асосида муомала қилиниши кўфр фикрларининг автоматик тарзда эриб кетиши ва Ислом аҳкомлари улар устидан табиий ғолиб бўлишига кафилдир. Дарҳақиқат, Ислом аҳкомлари барча фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаган. Бунда уларнинг ирқи, ранги ёки динининг эътибори йўқ. Ислом давлатида мусулмон бўлмаган бошқа фуқаролар билан фикрий мулоқот бўлади, бу уларнинг қаноатларини ўзгартириш ва далилни далилга солиштириши учун қилинади. Шунингдек, уларни ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинади. Шунини таъкидлаш лозимки, Ислом барча фуқароларининг ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда мусулмон ва ғайримусулмонларга адолат, инсоф ва хотиржамликни улашиш учун етарли қонунларни ишлаб чиққан.

Аммо мусулмонларнинг ҳаётларининг барча жиҳатларига ҳукмрон бўлиб турган ушбу ифлос ғарб режасига қарши тўғри раддия рошид Халифаликни тиклаш ва Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилишга ҳаракат қилиш билан бўлади. Зеро, Ислом давлати ва унинг имоми ёт ғоялар, босқинчи қўшинлар ва яширин фикрларга қарши мустаҳкам қалқонга айланади. Шундай экан, шариат аҳкомларига қайтиш, уларни маҳкам тутиш ва Аллоҳнинг йўлидан тўсувчи ҳар қандай ҳаракатга қарши туриш лозим. Шунингдек, ҳукмдорларнинг малайлигини ҳамда «муфаккир» ва «ёзувчи»ларни фож қилиш, ёвуз ғояларга чорловчи ва уларни тарғиб қилувчи барча жарчилар унини ўчириш, шунингдек, ахборот воситаларини, уларнинг ҳукмрон режимларга малайлигини ва кофир ғарб давлатларидан бўлган хўжайинларига хизмат қилишини очиб ташлаш лозим.

Ушбу янги режага қарши кураш Умматга ва янги авлодларга ғарб давлатларининг ҳозирги сиёсатларига ёмон гумонда бўлиш зарурлигини ҳамда бу сиёсатлар ўрта асрлардаги салиб юришларининг давоми эканини тушунтиришни талаб қилади.

Хотима сифатида шуни айтамызки, Исломга нафрат қилувчи кофирнинг барча ҳаракатлари яқинда муваффақиятсизликка учрайди. Кофир аввалги салиб юришларида мағлубиятга учраганидек Ислом кучи ва ақидаси қаршисида мағлубиятга учрайди. Чунки нусрат хушхабари қайтадан эсмоқда. Халифалик давлати қуёши яна янгидан чарақлайди ҳамда барчага адолат, омонат ва ҳуқуқларни кафолатлайди. Одамлар Ислом адолати ва чиройли татбиқ туфайли Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирадилар. Исломий бўлмаган аксар эътиқодлар эриб йўқолади. Ислом эса юксалишда давом этади. Аллоҳдан мана шуни яқин кунларда бўлишини сўраймиз. □

Хитой ўз фуқароларини кузатиб бориш учун дунё бўйлаб 100та полиция бўлимини ташкил қилди

2022 йил 4 декабрда Американинг CNN ахборот агентлиги Пекин хитойлик фуқароларни қувғин ва тазйиқ билан назорат қилиш ҳамда керак бўлганда уларни Хитойга қайтариш учун дунё бўйлаб «Хорижий полиция бўлимлари» номли 100та бўлим ташкил қилгани тўғрисида хабар берган. Хабарда айтилишича, ушбу марказларни кенг доирада ёйиш учун Хитой айрим Европа ва Африка давлатлари билан хавфсизлик шартномаларини имзолаган. Сентябрь ойида Мадридда жойлашган «Safequard Defenders» номли инсон ҳуқуқлари ташкилоти Хитойда 54та шундай марказлар борлигини маълум қилди. Ташкилот ҳисоботида айтилишича, Хитой полицияси бўлими очиш учун тайёрланган Париж чеккасидаги жойда фаолият юритган махфий агентлар Хитой фуқаросини ўғирлаб кетиб, уни мажбуран ватанига қайтаришган. Ташкилот Европадан икки фуқаро, бири Сербиядан ва иккинчиси Испаниядан мажбуран қайтарилган хитойлик сургунларни ҳам ошкор қилган. Лекин Пекин бу хабарни рад этиб, унинг ташқи ишлар вазирлиги ноябр ойида (CNN) телеканалда бу объектлар хитойлик муҳожирларга ёрдам бериш учун ташкил этилган маъмурий марказлардан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаган. Ушбу ҳисоботларнинг ошкор этилиши ҳозиргача камида 13 мамлакатда текширувларга олиб келган. Бу Хитой билан бир қанча давлатлар, жумладан Катта Хитой ҳамжамиятига эга бўлган Канада ўртасида бир қатор қизғин дипломатик тортишувларга сабаб бўлди.

Ал-Ваъй: Хитой сиёсий таъқибларни давом эттириш учун суддан ташқари воситалардан фойдаланганликда айбланган ягона давлат эмас. Масалан, Россия икки марта собиқ жосусларни ўлдиришда ҳалокатли кимёвий ва радиоактив моддалардан фойдаланганликда айбланган. АҚШ Марказий разведка бошқармаси эса 11 сентябр воқеаларидан кейин терроризмда гумон қилинган шахсларни Италия кўчаларидан Кубадаги Гуантанамо қамоқхонасига мажбуран ўтказиш можаросида иштирок этган. Бу халқаро ўрмон қонунидир.

Эрдоган Асад режими билан муносабатларни нормаллаштиришга интиломқда

Туркия баёнотлари Сурия режими билан нормаллашув имкониятига таъсир қилса ҳамда Сурия режими билан Туркия ўртасидаги муносабатлар тўлиқ нормаллашув босқичига етган тақдирда, савол туғилади: Туркия унинг тупроғида мезбонлик қилаётган Сурия мухолифати (коалиция, муваққат ҳукумат ва кўпчилик фаол шахслар) қандай позиция тутади? Унинг олдида қандай танлов бор? Мухолифат бўлинишдан азоб чекмоқда, унда ёрқин фикр мавжуд эмас. Энг муҳими халқ қўллаб- қувватловини йўқотган.

Мухолифат ўзининг сиёсий ва ҳарбий қарори устидан Туркиянинг ҳукмронлик қилаётганидан қийналмоқда. Ҳеч қандай эътироз, айниқса, мухолифат Остона жараёнида иштирок этиб, унинг барча хулосаларига қўл қўйган экан, Туркия ва Сурия режими ўртасидаги нормаллашув жараёнига таъсир қилиши кутилмайди. Уларнинг ўртасидаги Сурия масаласи билан боғлиқ ҳар қандай музокара Остонадаги 19 раунд музокараларида келишилган нарсага асосланади. Эрдоган Асад билан учрашиш эҳтимоли ҳақидаги саволга жавоб берар экан, сиёсатда абадий норозилик ёки келишмовчилик бўлмаслигини айтди. Уруш майдонида содир бўлаётган ишларга келсак, Туркиянинг расмий манбалари Ал-Жазира телеканалига таъкидлашча, Туркия Сурия демократик кучлари деб аталувчи, асосан курд халқ ҳимояси отрядларини Манбиж, Айнул Араб, Кобани ва Сурия шимолидаги Тал Рифъатдан олиб чиқиб кетишни шарт қилиб қўйган. Манбанинг қўшимча қилишча, Анқара, шунингдек, Сурия режимининг «Сурия демократик кучлари»га муқобил равишда, хавфсизлик кучлари ва чегара қўриқчиларига ҳам муқобил бўлган муассасаларни қайтаришни шарт қилган.

Ал-Ваъй: Албатта Эрдоган Америка билан ҳамкорлик қилувчи Суриядаги жиноий режимни чўккан жойидан қутқариб, Шом инқилобини йўқ қилиш сиёсатини олиб бормоқда. Эрдоган Ҳалаб шаҳрини ҳамда Морекдан Ҳалабнинг шимоли ва шимоли ғарбига чўзилган ҳудудларни жиноятчи режимга топширганидан кейин, бошқа шаҳарларни ҳам топширишда давом этади. Эрдоган Асадга бутун Сурия ҳудуди устидан назорат қилиш ва таъсирини кенгайтиришга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда... Лекин Сурия

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
инқилоби Аллоҳнинг ёрдами билан ҳаргиз сўнмайди. Чунки у унинг устидан қилинаётган ҳар қандай фитналардан улуғроқдир.		
Қўшма Штатлар: Бир жинсли никоҳ эркинлиги ва ҳимоясини ўз ичига олган қонуннинг қабул қилиниши		
<p>Хурра мухбирининг хабар беришича, АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси бир жинсли никоҳлар ҳуқуқини берувчи «Никоҳни ҳурмат қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маъқуллаган. АҚШ тарихида биринчи марта Конгресс бир жинсли никоҳларни федерал ҳимоя билан таъминлаган. Қонун вакиллар палатаси томонидан 258 овоз маъқул ва 169 қарши овоз билан қабул қилинди; 39 республикачи қонунни қўллаб-қувватлашда барча демократлар билан бирлашди. Сенат қонунни қабул қилиб, қонун лойиҳасини имзолаш учун АҚШ президенти Жо Байден идорасига юборди. АҚШ вице президенти Камала Харрис ўзининг Твиттер саҳифасида эълон қилинган видеоклипда қонуннинг қабул қилинишини олқишлади. Жумладан у бундай деди: «Бу тарихий кун ва бу шуни англатадики, қонун том маънода ҳар кимнинг ўзи севган одами билан турмуш қуриш ҳуқуқини ва ҳимоясини ўз ичига олади. Бу яхши кундир».</p>		
<p>Бир жинсли никоҳлар федерал даражада АҚШ олий суди томонидан 2015 йилда чиқарилган қарор билан мустаҳкамланган. Шунинг учун ҳеч бир штат бу никоҳни тақиқловчи қонун қабул қила олмайди. Амалда, Сенат томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси никоҳни эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ сифатида белгилайдиган аввалги барча қонунларни бекор қилади. Шунингдек, никоҳни қайд этиш вазифаси юкланган давлат хизматчиларига, улар қайси штатга мансуб бўлишидан қатъий назар, турмуш қураётганлар ўртасини «жинс, ирқ, миллат ва келиб чиқишга кўра» камситишларни тақиқлайди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Америка бундай қонун билан ўзига ўлим тилаб, бошига Лут қавмининг куни тушиши кутяптими?! Америка бундай қонунларнинг ўз мамлакатада қабул қилиниши билан қаноатланмайди. Аксинча, худди шундай қонунларни қабул қилишлари ва халқаро миқёсда ҳимоя қилишлари учун бошқа давлатларга ҳам босим ўтказишга ҳамда бу қонунларга қарши санкциялар қўлланишининг олдини олишга ҳаракат қилади.</p>		

Нью-Йорк Таймс: Глобал жосуслик дастурлари саноати назоратдан чиқиб кетмоқда

Америкада чиқадиган Нью-Йорк Таймс газетасининг хабар беришича, ҳукуматларга уяли телефонларга бузиб кириш ва маълумотларни олиш имконини берувчи халқаро тижорий жосуслик дастурлари саноати ривожланишда давом этмоқда. Шунингдек, жосуслик дастурларидан фойдаланиш бутун дунё бўйлаб тарқалишда давом этмоқда ва янги компаниялар (Исроил) электрон разведка фахрийларини ёлламоқда. Шундай дастурлардан бири Предатор дегани бўлиб, уни собиқ (исроиллик) жосус Грециядаги идоралардан бирида туриб бошқаради. Газетага кўра, у Афинада сиёсатчилар ва журналистларга қарши жосуслик дастурларини қўллаш билан боғлиқ сиёсий жанжал марказида турибди.

Газетанинг хабар беришича, жосуслик дастурлари 2021 йилдан бери ўнлаб мамлакатларда қўлланилган. Бу – ҳукуматлар томонидан талаб давом этаётганидан ҳамда бундай воситалардан фойдаланишни чеклаш бўйича кучли халқаро ҳаракатлар йўқлигидан далолат беради. Газетанинг ёзишича, жосуслик дастурлари разведка идоралари ва полиция томонидан гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи тармоқлар ва террористик гуруҳларнинг телефонларига бузиб кириш учун фойдаланилган. Бундан ташқари, кўплаб авторитар режимлар, ҳатто демократик режимлар ҳам сиёсий рақиблар ва журналистлар устидан жосуслик қилиш учун жосуслик дастурларини суиистеъмол қилишган. Вашингтондаги халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси эксперти Стивен Фелдштейн камида 73 мамлакатда жосуслик дастурлари қўлланишини ҳужжатлаштирган.

Ал-Ваъй: Яширин жосуслик дунёси алоқа воситаларининг бутун дунёга тарқалиши билан кенг тарқалди. Ҳозир ундан авторитар ва демократик давлатлар рақиблар, журналистлар, муҳолиф ва муҳолиф бўлмаган партиялар устидан жосуслик қилиш ва ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланмоқда. Мамлакатлар бундан бир-бири учун ва ҳатто ўзлари учун кўрқинмоқда... Халқлар эса энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Британияда насронийлик озчилик динига, Ислом эса энг тез тарқалаётган динга айланди		
<p>Насронийлик Англияда ҳам, Уэлсда ҳам озчилик динига айланиб қолди. Бу 2011 йилги аҳолини рўйхатга олиш билан солиштирганда насронийликни қабул қилганлар сонининг камайиши ортидан бўлган. Англия ва Уэлсдаги насронийлар сони Қироллик тарихида биринчи марта 46,2 %ни ташкил этган, 2011 йилги аҳолини рўйхатга олиш пайтида 59,3 % эди. Сўров шуни кўрсатмоқдаки, ўзини динсиз деб танитганларнинг сони ҳозир Британияда аҳолининг 37,2 фоизини ташкил қилади. Бу эса уларни насронийлардан кейин иккинчи йирик блокка айлантирган ва ҳозир улар 22,2 миллион кишини ташкил қилади. Бунга муқобил ўлароқ, сўнгги ўн йил ичида ўзини мусулмон деб таништирганлар сони 44 фоизга ошган.</p>		
<p>Мусулмонлар сони эса 2011 йилда 2,7 миллион бўлган бўлса, 2021 йилда 3,9 миллионга етган, бу 10 йил ичида 1,2 миллион мусулмонга кўпайди деганидир. Бугун мусулмонлар Британия аҳолисининг 6,5 %ни ташкил этади. Аммо ҳиндларнинг сони катта шаклда ўзгарган эмас. Уларнинг сони 2011 йилда 1,5 % (818 минг) бўлган бўлса, 2021 йили 1,7 %га кўтарилиб, (миллион)га етган. Аммо яҳудийлик динига эргашадиган фуқароларга келсак, уларнинг сони ҳам сезиларли даражада ўзгармаган. Уларнинг сони 2011 йилда 265000 шахс бўлса, 2021 йили 271000тага кўтарилган. Худди шундай 2011 йилда жами аҳолининг 0,8 %ини ташкил этган сикх фуқароларининг улуши 2021 йилда 0,9 %га айланган. Лондон сақофат ва динлар жиҳатидан хилма-хил шаҳар эканлиги билан ажралиб туради. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари шуни кўрсатдики, насронийлар сони атиги 25,3 %ни ташкил қилади. Қолган фоизлар эса бошқа динларга эътиқод қилувчилар ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигини эълон қилганлар ўртасида тақсимланган.</p>		
<p>Аҳолини рўйхатга олишнинг камчиликларидан бири шундаки, у ҳеч қандай динга эътиқод қилмайман деган одамларнинг эътиқоди ҳақида кўпроқ маълумот бермайди, улар атеистми? Ёки динсизми? Ушбу натижалардан сўнг «Йорк» черкови епископи Стивен Коттрел дарҳол мамлакатдаги насронийлик ҳақиқати ҳақида фикр билдирди. Британия оммавий ахборот воситалари</p>		

насроний руҳонийнинг сўзларидан иқтибос келтирди. У бундай дейди: «Бу рақамлар ер юзидаги Худонинг шоҳлигига одамларни қаноатлантиришимиз учун бизни катта муаммога қўйди. Биз насронийликни тарғиб қилишдек ўз вазифамиз билан шуғулланмоғимиз даркор». Британиялик руҳоний «Одамлар ўзини насроний деб биладиган даврлар ортда қолгани, аммо сўровлар одамлар ҳали ҳам ўзлари яшай оладиган маънавият, ҳикмат ва қадриятларни излаётганини кўрсатаётганини» тан олди.

Ал-Ваъй: Бу ғарб ҳазоратининг банкрот бўлиши ва Ислом динининг бутун дунёга тарқалишининг яна бир кўринишидир. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Исломга ҳақиқий кириш Ислом билан бошқариш, жиҳод орқали ғалаба қилиш ва одамларни тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киритиш билан боғлиқдир.

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿۱﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿۲﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ﴿۳﴾﴾

«(Эй Муҳаммад), қачон Аллоҳнинг нусрати ва ғалаба келса, ва одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир»

[Наср 1-3] □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ﴾

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига

кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар»

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَلَئِنِ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿۱۲۰﴾ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتْلُونَهُ حَقَّ تِلَاوَتِهِ أُولَٰئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۗ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ ۖ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿۱۲۱﴾ يَبْنَئِ إِسْرَائِيلُ أَذْكُرُوا نِعْمَتِيَ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنَّىٰ فَضَّلْتُكُمْ عَلَىٰ الْعَالَمِينَ ﴿۱۲۲﴾ وَأَتَّقُوا يَوْمًا لَا تَجْرَىٰ نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَاعَةٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«120. Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кirmaгунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди. 121. Биз китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиладиган кишилар ҳам бордирки, ана ўшалар (Қуръонга) иймон келтирурлар. Ва кимда-ким унга (Қуръонга) кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир. 122. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламга афзал қилган пайтимни эсланг. 123. Ва биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч кимдан эваз қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайдиган кундан қўрқинг!» [Бақара 120-123]

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий (роҳимаҳуллоҳ) хотираларида шундай келади:

Яҳудийлар Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларига ҳийла-найранг ва разиллик қилган ҳолда кириб, бизга йўл кўрсат дейишарди. Бошқача айтганда, бизга китобимиздан гапир, токи биз сенга эргашайликми ёки йўқми шуни билиб олайлик дейишарди. Аллоҳ

Таоло яҳудийларнинг Росулulloҳ ﷺ га қилаётган макр-ҳийлаларини бутунлай очиб ташлашни хоҳлади. Шунинг учун Росулulloҳга на яҳудий ва на насронийлар динингизга эргашмайдилар, балки улар сиздан ўзларининг динига киришингизни исташади, сиз эса уларни сиз билан бирга бўлишларини хоҳлайсиз, улар сизни ўзлари билан бирга бўлишингизни исташади дейди. Аллоҳ Субҳанаҳу айтади:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ﴾

(Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар).

Бу ерда нафи (инкор)нинг такрорланаётганидан яҳудийларнинг розилиги насронийларнинг розилигидан бошқа эканини кўрамиз. Агар Аллоҳ Таоло (لا) ҳарфисиз *النصارى و اليهود عنك ترضي و لن ترضي* деганида, улар розилик борасида бир хил фикрда деган маъно чиққан бўлар эди. Лекин Аллоҳ Таолонинг

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودُ لَيْسَتِ النَّصَارَىٰ عَلَىٰ شَيْءٍ وَقَالَتِ النَّصَارَىٰ لَيْسَتِ الْيَهُودُ عَلَىٰ شَيْءٍ﴾

«Яҳудийлар: «Насронийлар ҳақ эмаслар», дейишди.

Насронийлар: «Яҳудийлар ҳақ эмаслар», дейишди» [Бақара 113]

каломига кўра улар розилик борасида бир хил фикрда эмаслар. Шундай экан *النصارى و اليهود عنك ترضي و لن ترضي* деб айтиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ Таоло яҳудийлар ҳам сиздан рози бўлмайди, насронийлар ҳам сиздан рози бўлмайди дейишни хоҳламоқда. Агар сиз яҳудийларни рози қилсангиз, насронийлар сиздан рози бўлмайди, насронийларни рози қилсангиз, яҳудийлар сиздан рози бўлмайди. Сўнг Аллоҳ Таоло:

﴿حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ﴾

(Уларнинг динига кирмагунингизча), дейди, бу ерда миллат диндир. Уни миллат деб номланишига сабаб, сиз унга ботил бўлса ҳам мойил бўласиз. Аллоҳ Таоло:

﴿وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿۱﴾ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ ﴿۲﴾ وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿۳﴾﴾

﴿لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ﴾

«Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар.

Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!» [Кафирун 3-6]

дейди. Демак улар кофир ва мушриклар бўлиб, ҳар бирининг ўз дини бор. Бизни яҳудийларнинг динига ва насронийларнинг динига эргашишдан тўсадиган нарса нима? Жавоб шуки, Аллоҳ Таоло:

﴿قُلْ إِنَّ الْهُدَىٰ هُدَىٰ اللَّهِ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Албатта ҳақ йўл Аллоҳнинг йўлидир»» [Оли Имрон 73]

дейди. Яҳудий ва насронийлар динларини ўзгартиришди, Росулulloҳ ﷺ эса Аллоҳнинг ҳидояти билан биргадир. Ҳидоят эса энг қисқа йўл билан мақсадга олиб борадиган нарса. Бошқача айтганда, у ғояга энг қисқа йўл билан олиб боргани учун тўғри йўлдир. Аллоҳнинг ҳидояти ёлғиз тўғри йўлдир, одамларнинг ҳидояти эса уларнинг нафс ҳавосидан келиб чиқади. Шунинг учун одамларнинг ҳидояти залолатга олиб борадиган эгри-букри ва турли-туман йўлдир. Лекин ҳаққа етаклайдиган ҳидоят битта бўлиб, у Аллоҳнинг ҳидоятидир.

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло

﴿وَلَيْنِ اتَّبَعَتْ أَهْوَاءَهُمْ﴾

(Агар уларнинг нафс ҳаволарига эргашсангиз), дейиш билан яҳудийларнинг дини ҳам, насронийларнинг дини ҳам инсоният нафс-ҳавоси эканини таъкидламоқда. أهواء сўзи ҳоая сўзининг кўплик шаклидир. هواء сўзи маъноси нафснинг ҳақиқатдан йироқ ҳолда ботилни ирода қилишидир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло:

﴿وَلَيْنِ اتَّبَعَتْ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ﴾

(Агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди), дейди. Аллоҳ Таоло ўз элчисига Аллоҳ Таолодан ҳидоят келганидан кейин яҳудийларнинг йўли бўладими ёки насронийларнинг йўлими фарқсиз, шаҳватлар билан тўла эгри-букри йўлга эргашсангиз, Аллоҳ томонидан ишингизни бошқарадиган ва сизни сақлайдиган дўст ҳамда сизга ёрдам берадиган ёрдамчи бўлмайди деяпти. Аллоҳ Таолонинг ўз Росулига бўлган ушбу хитоби ҳақида бироз тўхталмасак бўлмайди. Токи, Аллоҳ Таоло ўзи танлаб олган Росулига қандай хитоб қилаётганини фикрлайлик. Аллоҳ Таоло ушбу хитобни Муҳаммад

ﷺ га йўллар экан, ундан мурод ул зотдан кейин келадиган ва ул зотга эргашадиган Умматдир. Яҳудий ва насронийларга қалби мойил бўладиган кишилар ана ўшалардир. Аммо элчи уларга эргашишликдан маъсумдир.

Аллоҳ Таоло бизни аниқ билишимизни истайдики, У ўз Росули ﷺ дан қабул қилмаган нарсани у қанчалик юксак бўлмасин, Умматидан бўлган бирор кишидан қабул қилмайди. Буни шундай тушуниш лозимки, Росулulloҳдан кейин илмни даъво қилганлар келиб, биз уларни ўзимизга жалб қилиш учун яҳудийлар динига эргашамиз демасин. Биз уларга айтамызки, Аллоҳ уни ўз Росулидан қабул қилмаган экан, бошқа бирортасидан қабул қилмайди. Бу ерда Росулulloҳ ﷺ ни мисол қилишдан мақсад ҳар қандай ҳолатда ҳам яҳудий ва насронийлар динига эргашишдан мутлақо қайтарилганидир. Аллоҳ Азза ва Жалла яҳудий ва насронийлар билан яқинлашиш баҳонасида бу динга тажовуз қиладиганларнинг ҳар қандай йўлини кесиб ташлаш учун ўз Пайғамбарини мисол қилиб кўрсатди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتْلُونَهُ حَقَّ تِلَاوَتِهِ أُولَٰئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۗ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ ۗ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ﴾

(Биз китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиладиган кишилар ҳам бордирки, ана ўшалар (Қуръонга) иймон келтирурлар. Ва кимда-ким унга (Қуръонга) кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир). Аллоҳ Таоло яҳудий ва насронийлар ўз китобларини ўзгартирганларини баён қилганидан кейин, китобларини ўзгартирмаган яҳудий ва насронийлар ҳам борлигини ҳамда уларнинг Муҳаммад ﷺ га ва унинг рисолатига иймон келтиришини баён қилмоқда. Чунки улар Муҳаммад ﷺ ни Таврот ва Инжилда ўқиб таниб, билиб олганлар. Агар Аллоҳ Таоло ушбу оятни нозил қилмаганида Таврот ва Инжилни ўз ҳақиқати билан ўқиётган ва Росулulloҳ ﷺ нинг рисолатини қабул қилиш ҳақида фикр қиладиганлар: Ахир биз Исломга киришни хоҳлаяпмиз, оятдаги гап барча яҳудий ва насронийларга тўғри келмайди деган бўлардилар. Буни эҳтимоллик қонуни дейилади. Яъни бу ерда кам сонли яҳудий ва насронийлар борки, улар ҳақ дин деган эътиборда Исломни қабул қилиш ҳақида фикр юритадилар. Дарҳақиқат, Синайдан Жаъфар ибн Абу Толиб билан бирга қирқ нафар яҳудийлар Росулulloҳ ﷺ га

Ўзгартирилмаган Тавротни олиб, унинг ривоятига иймон келтирганликларига гувоҳлик бериш учун келаётган эди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло уларни ва аҳли китобдан бўлган мўминларнинг даражасини кўтаришни ирода қилиб

﴿الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتْلُونَهُ حَقَّ تِلَاوَتِهِ﴾

(Биз китоб ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиладиган кишилар ҳам бордир), деди. Яъни улар китобни ўзгартирмай ва бузмай, қандай нозил бўлса, шундайлигича ўқийдилар. Шунинг учун улар ҳақиқатларни, инсон нафс ҳавосига аралаштирмай соф ҳолда тушунадилар дейди.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أُولَٰئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۖ وَمَن يَكْفُرْ بِهِ ۖ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخَٰسِرُونَ﴾

(Ана ўшалар (Қуръонга) иймон келтирурлар. Ва кимда-ким унга (Қуръонга) кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир). Мулоҳаза қиладиган бўлсак, Қуръони Карим мўминларни улуғлаш ва кофирларнинг қалбларига ҳасрат солиш учун доим таққослаётганини кўрамиз. Чунки таққослаш доим икки нарса ўртасидаги фарқни кўрсатади. Аллоҳ Таоло китоб берилган ва уни ўзгартирмай унга иймон келтирган кишиларга уларни абадий неъматга етакловчи неъматга етишларини билдириб қўйишни хоҳлайди. У ҳам бўлса, Таврот ва Инжилни ўзгартирганлар муқобилидаги Ислом ва иймон неъматидир. Уларнинг (яъни ўзгартирганларнинг) тақдири аниқ ҳасрат ва дўзахдаги абадийликдир

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يٰۤاَيُّهَا بَنُو إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِيَ الَّتِي اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَاْتَىٰ فَضَّلْتُكُمْ عَلَى الْاَعْلَمِيْنَ﴾

(Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламга афзал қилган пайтимни эсланг). Бироз орқага яъни Бақара сурасининг 40-оятига қайтайлик, унда Аллоҳ Таоло

﴿يٰۤاَيُّهَا بَنُو إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِيَ الَّتِي اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَاَوْفُوا بِعَهْدِيْ اُوْفٍ بِعَهْدِكُمْ وَاِيْتِيْ

فَاَرْهَبُوْنَ﴾

«Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъдага вафо қилинг. Шунда мен ҳам аҳдга вафо қиламан. Ва мандангина қўрқингиз» [Бақара 40]

демоқда. Яъни Аллоҳ Таоло Бану Исроил билан бўлган мавзуну то уларга ўзи бошлаган нарсани эслатмай туриб тўхтатмади. Аллоҳ Таоло Бану Исроилга берган неъмат ва уларни бошқалардан афзал қилиб қўйганини эслатганидан кейингина бу мавзуну тўхтатмоқда. Бу афзалликнинг асосий кўринишларидан бири Тавротда Муҳаммад ﷺ ҳақида хушxabар берган оятларнинг мавжудлигидир. Энди, неъмат ва афзалликни эслатиш шундай бўляптики, Аллоҳ Бану Исроилни улар Муҳаммад ﷺ Тавротда келганига қарамай, ул зотга иймон келтирмаганларини қаттиқ қораламоқда. Улар бу зикрни зудлик билан қабул қилиб, Муҳаммад ﷺ га иймон келтиришга шошилишлари керак эди. Чунки бу Аллоҳ Таоло томонидан уларга бўлган афзаллик эди. Яҳудийларни зилзила тутиб, Мусо ﷺ уларга Роббисидан марҳамат сўраган пайт Аллоҳ Таоло бундай деган эди:

﴿وَأَكْتَبْنَا لَنَا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ إِنَّا هُنَا إِلَيْكَ قَالِ عَذَابِ أُصِيبُ بِهِ مَنِ أَشَاءُ وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِنَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٧﴾ الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الَّذِي الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْنُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُم بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيَجْلُلْ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمَ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثِ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ فَالَّذِينَ ءَامَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِي أُنزِلَ مَعَهُ ۗ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Бизлар учун бу дунёда ҳам, охирада ҳам яхшилик ёзгин. Ўзинга тавба қилдик». (Аллоҳ) айтди: «Азобимни ўзим хоҳлаган кимсага етказурман. Раҳматим-меҳрибонлигим эса ҳамма нарсдан кенгдир. Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга иймон келтиргувчи бўлган кишиларга ёзурман. Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайғамбарга – номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган – элчимизга эргашадилар. У пайғамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юқларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди (яъни Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон

ва енгилларини келтиради). **Бас, унга иймон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни Қуръонга) эргашган зотлар – ана ўшаларгина нажот топгувчилардир»** [Аъроф 156-157]

Аллоҳ Таолонинг

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَعَةٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

(Ва биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч кимдан эваз қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинг), деган оятига келсак, бу оят Бақара сурасининг 48-оятига ўхшайди, унда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«Биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган-ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинглар!»

[Бақара 48]

Биз айтамызки бу ўхшашлик зоҳирда холос. Лекин ҳар бир оят мустақил маънога эга. Чунки 48-оятда Аллоҳ Таоло:

﴿وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ﴾

(Ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган), деса, биз баҳс қилаётган оятда:

﴿وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَعَةٌ﴾

(Эваз қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган), деяпти. Нима учун?

Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا﴾

(Биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган), деган каломиди агар биринчи нафсни ирода қилсак, олдинги оятдаги оқим унга мос келади. Агар иккинчи нафсни ирода қилсак, биз баҳс қилаётган иккинчи оятдаги оқим унга мос келади. □

РОСУЛУЛЛОҲ ﷺНИ ДУШМАНЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АСРАШ

Бадр ғазотидан кейин содир бўлган энг муҳим ҳодисалардан бири Зу Амр (Ғатафон ўлкасидаги жой) ғазоти бўлиб, уни Ғатафон ғазоти ёки Анмор ғазоти деб номлашган. Бу ғазот Росулulloҳ ﷺ Уҳуд ғазотидан олдин етакчилик қилган энг катта ғазотдир. У Ҳижратнинг иккинчи йилида рўй берган. Унинг рўй беришига сабаб Бану Саълаба ва Бану Мухориб қабилаларидан бўлган катта гуруҳ йиғилиб, Мадина атрофига ҳужум қилишни истаётгани ҳақидаги хабар Мадинага етиб келди. Шунда Росулulloҳ ﷺ пиёда ва отлиқлардан иборат 450та жангчи билан уларга ва арабларга муслмонларнинг кучини кўрсатиб қўйиш учун чиқдилар. Мадинада эса Усмон ибн Аффонни омил қилиб қолдирдилар. Улар йўлда кетаётиб Бану Саълабадан Жубор исмли кишини ушлаб олишди. Уни Росулulloҳнинг олдига олиб келишган эди, Росулulloҳ ﷺ уни Исломга даъват қилгач, у Исломга кирди. Росулulloҳ ﷺ Исломни ўргатиши учун уни Билал رضي الله عنهга қўшиб қўйдилар. У муслмонлар қўшинини душманлар ерига олиб борди. Бану Саълаба ва Мухорибдан бўлган мушриклар муслмонлар келаётганини билишган эди. Шунинг учун улар тумтарақай бўлиб, тоққа қочиб чиқиб кетишди. Аммо Набий صلى الله عليه وسلم қўшин билан уларнинг тўпланган жойига етиб келди. У Зу Амр деган сув бўйида эди. Росулulloҳ ﷺ бир ойга яқин Наждда тургач, ҳеч кимнинг ҳийла-найрангига дучор бўлмай, Мадинаи Мунавварага қайтдилар.

Ушбу ғазотда ўз қавмининг саййиди бўлган Дуъсур ибн Ҳорис Росулulloҳ ﷺ ҳузурда бўлган мўъжизадан кейин Исломни қабул қилди. Ибн Касир, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺга Бану Саълаба ва Мухорибдан бўлган бир гуруҳ Росулulloҳ билан жанг қилиш учун Зу Амр деган жойга йиғилишгани хабари етгач, учинчи йилнинг 12 робиулаввал пайшанба куни Мадинадан чиқдилар. Мадинага эса Усмон ибн Аффонни омил қилиб қолдирдилар. Росулulloҳ ﷺ ўн бир кун юрдилар, ул зот билан 450 жангчи бор эди.

Араблар ул зотдан қўрқиб тоғларга чиқиб кетишди. Зу Амр деган сув бўйига келгач, қаттиқ ёмғир ёғди. Шунда Росулulloҳ ﷺнинг кийимлари ҳўл бўлиб кетгач, бир дарахт остига жойлашиб кийимларини қуриши учун ёйиб кўйдилар. Бу ишлар мушриклар кўз ўнгида рўй берар ва улар ўз ишлари билан банд эди.

Шунда мушриклар ўзларидан бўлган Ғаврас ибн Ҳорис ёки Дуъсур ибн Ҳорис исмли жасур кишини юборишди. Унга айтишдики, «Аллоҳ сенга Муҳаммадни ўлдириш имкониятни берди». У мусулмонлар томон йўлга тушди, унинг ялтироқ қиличи бор эди. У Росулulloҳнинг олдига бориб қиличини яланғочлаган ҳолда: «Эй Муҳаммад бугун сени мендан ким ҳимоя қила олади?!» деди. Росулulloҳ «Аллоҳ» деган эди, Жаброил ﷺ унинг кўкрагидан қаттиқ туртди, шунда қиличи унинг кўлидан тушиб кетди. Росулulloҳ ﷺ эса қилични олиб, «**Бугун сени мендан ким ҳимоя қила олади**», деган эди, у «Ҳеч ким, мен Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг элчиси деб гувоҳлик бераман», деди. Сўнгра Росулulloҳ ﷺ унинг қиличини қайтариб берди. У шериклари олдига қайтгач, улар: «Ҳолингга вой бўлсин, сенга нима бўлди» дейишди. У «Узун кишига қараган эдим, у мени кўкрагимдан бир итарди, шунда мен чалқанча йиқилдим, билсам, у фаришта экан. Сўнг Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик бердим», деди. У шундан бошлаб қавмини Исломга даъват қила бошлади. Муаллифнинг айтишича бу ҳақда қуйидаги оят нозил бўлган.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ هُمْ قَوْمٌ أَن يَبْسُطُوا إِلَيْكُمْ أَيْدِيَهُمْ فَكَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – бир қавм сизларга қўл кўтаришни (яъни ҳалок қилишни) қасд қилганида уларнинг қўлларини сизлардан қайтарганини эслангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Иймонли кишилар ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар!» [Моида 11]

Пайғамбар ﷺнинг Зу Амр ғазотидаги Дуъсур инб Хорисга нисбатан тутган мавқифларида. Пайғамбаримизнинг душманини ва ул зотга ёмонлик қилганларни кечиришга бўлган муҳаббати яққол кўринган эди. Ибн Ҳажарнинг айтишича:

«Росулulloҳ ﷺ кофирларни Исломга киритишга қаттиқ қизиққанидан уни кечирган эди». Пайғамбармиз ﷺнинг ушбу юксак мавқифлари Ғатафон минтақасидаги арабларга катта таъсир қилди. Бу ҳолат яна уларга Пайғамбар ﷺ нафақат жасур, олий жаноб ва кечиргувчи киши, балки Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар эканини ҳам кўрсатди. Чунки ўлдириш таҳдиди билан ўзларига қарши қилич кўтарган кишиларни ўлдирмасдан тарк қилиш подшоҳ ва раҳбарларнинг одатидан эмас эди. Шунингдек, бу даражада олий жаноб ва раҳмдиллик қилиш ҳам уларнинг одатидан эмас эди. Бу нарсанинг ўша арабларни Исломга кириш ҳақида жиддий фикрлашларига катта таъсири бўлди. Дарҳақиқат, 3у Амр ва бошқа ғазотлар ва ҳодисаларда Пайғамбарлик хусусиятларидан бўлган бир хусусият намоён бўлди. У ҳам бўлса, у зотнинг шарафли жисмини ўлимдан сақлаш ва ҳимоя қилинишидир. Пайғамбарлик сийратида бунга далил бўладиган мисоллар жуда кўп. Жумладан, Абу Жаҳл ва Абу Лаҳабнинг ул зотни ўлдиришларидан сақланиши, ҳижрат куни ул зотни ўлдириш ниятида уйини ўраб олган кишилардан сақланиши, 3у Амр ғазотида Дуъсур ибн Ҳорис ва Зотур Риқоъ ғазотида Ғаврас ибн Ҳорисларнинг ул зотни ўлдиришга бўлган ҳаракатларининг фош бўлиши.

Росулulloҳ ﷺ даъватни ошкор қилгандан бошлаб душманлари томонидан кўп озор ва катта машаққатларга йўлиқдилар. Лекин Аллоҳ Таоло ул зотни сақлади, ёрдам берди ва одамлардан ҳимоя қилди. Аллоҳ Таоло умуман олганда ул зотни барча душманларидан ҳимоя қилди ва хусусан Макка аҳли ва унинг раҳбарларидан ҳимоя қилди. Аллоҳ Таоло ул зотни элчи қилганидан бошлаб йўлиққан фитналардан сақлади. Аллоҳ Таоло ул зотни сақлаши ва душманларининг ҳийлаларидан ҳимоя қилиш ҳақида хабар берар экан, бундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الرُّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!, Агар (бу фармонга амал)

қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай. Албатта Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас»

[Моида 67]

Ибн Касир айтади: «Яъни сен рисолатимни етказ, мен сени сақлайман, ёрдам бераман, душманларингга қарши қўллаб-қувватлайман, уларнинг устидан ғолиб қиламан. Шундай экан, қўрқма ва хафа бўлма. Улардан бирортаси сенга азоб бериш билан сенга яқинлаша олмайди», деганидир. Оиша رضي الله عنها айтади: «Пайғамбар ﷺ доим ҳифзу ҳимояда эдилар. Ҳатто мазкур оят нозил бўлди. Шунда ул зот чодирдан бошини чиқариб, эй одамлар, тарқалинглар, чунки Аллоҳ мени ҳимоя қилади», дедилар. Термизий ва Ҳоким ривояти.

﴿وَاللَّهُ يَعْصُمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾

(Аллоҳ Сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай), оятида Пайғамбарликнинг иккита далили бор. Улардан биринчиси, Аллоҳ Таолонинг ул зотни сақлаши ҳақида хабар бериши ва шундай бўлди ҳам. Иккинчиси эса, Росулulloҳни ўлдириш учун душманлари томонидан нишонга олинганини билган кишига намоён бўлади. Чунки саҳобалар ул зот борасида қўрққанларидан доим қўриқлашар эди. Оят нозил бўлгач, Аллоҳ тарафидан, ўзига нозил қилинган нарсага ишончи туфайли уларни қўриқлашдан қайтарди. Агар даъвогар қаллоб бўлганида, ўзини хатарда қолдирмаган ва ёмонликка дучор қилмаган бўларди. Чунки киши ўзини алдамайди. Агар Қуръон ваҳий бўлмаганида, Росулulloҳ ﷺ ўзини қўриқлатган бўлардилар.

Мовардий (Пайғамбарлик аломатлари) китобида бундай дейди: «Ул зотнинг мўъжизаларидан яна бири, душманлари кўп сонли бўлишига қарамай, улардан ҳимоя қилинганликларидир. Ваҳоланки, улар Росулulloҳ ﷺга қаттиқ ғазабланишар ва ул зотни сургун қилишни хоҳлашар эди. Ул зот эса улар орасида енгилмас куч бўлиб, очиқ гапирар ва улар билан аралашиб юрар ва улар билан кўп гаплашар эдилар. Улар ул зотга нафрат кўзи билан қарар, лекин қўллари ул зотдан қўрққанидан қалтирар эди. Саҳобалари ул зотдан олдинроқ эҳтиёткорлик билан ҳижрат қилишди. Ул зот душманлари орасида тўлиқ ўн уч

йил тургандан кейин, ҳеч қандай маънавий ёки жисмонан зарар кўрмасдан саломат ҳолда чиқиб кетдилар. Бундай бўлиши фақат илоҳий ҳимоя туфайлидир. Аллоҳ ул зотга:

﴿وَاللَّهُ يَعِصُكَ مِنَ النَّاسِ﴾

(Аллоҳ Сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай), деб ваъда берди ва ўз ваъдасини амалга ошириб, улардан ҳимоя қилди.

Аллоҳ Таоло ўз Росулини ҳимоя қилгани ва сақлагани ҳамда ул зотдан душманларини тўсгани ҳақида мисоллар жуда кўп:

Абу Ҳурайра шундай ривоят қилади: «Абу Жаҳл айтдики: Муҳаммад сизларнинг орангизда юзини тупроққа суртадими? (сажда қиладими? демоқчи). Унга: Ҳа деб жавоб беришган эди, у: Лот ва Уззога қасамки, агар уни шундай қилаётганини кўрсам, бўйнига оёқ қўярдим ёки юзини тупроққа ишқардим деди. Бир куни Росулulloҳ ﷺ намоз ўқиётганида бориб, бўйнига оёғини қўймоқчи бўлди. Абу Ҳурайра айтади: Шунда одамлар уни кўриб саросимага тушди, чунки у орқага қараб чекинди ва қўллари билан ўзини ҳимоя қилди. Одамлар ундан сенга нима бўлди деб сўрашган эди, у: Орамизда бирдан олов тўла хандақ ва қанотли баҳайбат махлуқ пайдо бўлди, деди. Росулulloҳ ﷺ айтдиларки: **«Агар у менга яқинлашганда, фаришталар унинг аъзоларини тилка-пора қилиб юборар эди».** Бухорий ривояти. Бу Аллоҳнинг душмани Абу Жаҳл кўрган буюк мўъжиза эди. Дарҳақиқат, Абу Жаҳл фаришталарнинг қанотини кўрган бўлиб, улар Пайғамбар ﷺ ни ҳимоя қилишар эди. Шунда у, Аллоҳ ул зотни ўз аскарлари ва ёрдами билан ҳимоя қилаётганига ишонч ҳосил қилди. Лекин кибр, раҳбарликни яхши кўриш ва унга хирс қўйиш уни ҳақиқатга бўйсунисдан тўсди. Аллоҳ ўз каломида айтганидек, унинг аҳволи бошқа мушриклар аҳволи кабидир.

﴿فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَكِنَّ الظَّالِمِينَ بِآيَاتِ اللَّهِ يَجْحَدُونَ﴾

«Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар» [Анъом 33]

Нававий айтади: «Юқоридаги ҳадисда Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ ни Абу Жаҳл ва унга зарар етказмоқчи бўлганлардан сақлашида кўп мисоллар бор».








Фаришталар Пайғамбаримиз ﷺни Абу Жаҳлдан ҳимоя қилганларидек, Уҳуд кунда ҳам мушриклар ул зотнинг устига ёпирилиб, саҳобалар тарқалиб кетишганида, у зотни ҳимоя қилиш учун тушдилар. Саъд ибн Абу Ваққос шундай ривоят қилади: «Уҳуд кунда Росулulloҳ ﷺнинг ўнг ва чап томонларида оқ кийимдаги икки кишини кўрдим. Улар шиддат билан жанг қилардилар. Мен уларни олдин ҳеч кўрмаганман, улар Жаброил ва Микоил эди». (Муттафақун алайҳ). Нававий айтади: «Ушбу ҳадис Аллоҳ Таолонинг Росулulloҳ ﷺни даражасини кўтаришини, яъни у зот билан жанг қиладиган фаришталар билан икром қилишини, фаришталар жанг қилишини ва уларнинг жанг қилиши фақат Бадр кунига хос эмаслигини ифодаламақда». Ҳижрат кунда эса Аллоҳ Таоло ўз Росулини ҳимоя қилгани борасида кўплаб тасвирлар бор. Улардан бири Абу Бакр ривоят қилган нарса бўлиб, у шундай эслайди: «Шундай қилиб, қуёш ботганидан кейин йўлга чиқдик, Суроқа ибн Молик эса бизнинг ортимиздан келар эди. Мен: Эй Аллоҳнинг элчиси у бизга етиб олди деган эдим, ул зот: **«Маҳзун бўлманг, албатта Аллоҳ биз билан биргадир»**, деди. Росулulloҳ ﷺ унга қарши дуо қилган эди, отининг оёқлари қорнигача ерга кириб кетди. Шунда Суроқа айтдики: Мени сизларнинг менга қарши дуо қилганингизни кўриб турибман, энди менинг фойдамга дуо қилинг. Аллоҳ сизларга ёрдам берсин деди ва ортларидан тақиб қилмасликка ваъда берди. Шунда Росулulloҳ ﷺ дуо қилган эдилар, у қутилди. Шундан сўнг у кимни кўрса, мен бу томонларни қидирдим, энди у ёққа боришнинг фойдаси йўқ дер ва кимни кўрса қайтарар эди. Абу Бакр айтади: Суроқа бизга берган ваъдасига вафо қилди». Бухорий ривояти. Анас رضي الله عنه айтади: «Суроқа шундан кейин кундузи Росулulloҳдан озорларни кетказадиган ва тунда қуроли билан ул зотни қўриқлайдиган бўлди». Бухорий ривояти. Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбарини Суроқадан ҳимоя қилиши унинг Исломга киришига сабаб бўлди. Суроқа Абу Жаҳлга хитоб қилар экан, бундай деган эди: «Эй Абу Ҳакам, Аллоҳга қасамки, агар сен отимнинг олдинги оёқлари ерга кириб кетганини кўрганингда, ҳеч қандай шак-шубҳасиз Мухаммаднинг Аллоҳнинг Росули эканини ҳужжат билан билган бўлар эдинг. Шундай экан, ким унга қарши чиқа олади?!».






Абдуллоҳ ибн Аббос ﷺ Аллоҳ Таолонинг ўз Росулини ҳимоя қилгани борасидаги бошқа бир воқеани шундай ривоят қилган: «Қурайшлик бир жамоа тош олдида йиғилишди ва Лот, Уззо, Манот, Ноила ва Исоф номига қасам ичиб, агар Муҳаммадни кўрсак, унга бир киши каби ёпирилиб, уни ўлдираамиз дейишди. Пайғамбаримиз ﷺнинг қизи Фотима ﷺ йиғлаганча келиб, Росулulloҳ ﷺ ҳузурига кирдилар. Сўнг: «Қурайшлик бир жамоа сизни кўрсак, бир ташланиб ўлдираамиз деб қасам ичишди. Шунда уларнинг барчаси қонингизга беланар экан», дедилар. Росулulloҳ ﷺ эса: Эй қизим таҳорат учун сув тайёрла, дедилар. Сўнг таҳорат қилиб, масжидга, уларнинг олдига чиқдилар. Улар у зотни кўргач, ана у чиқди дейишди-ю, лекин кўзлари пастга қараб, нафаслари ичига тушиб кетди. Улар жойларида ўтирган ҳолда ул зотга қайта қарай олмадилар ва бирортаси ўрнидан тура олмади. Шунда Росулulloҳ ﷺ эса уларнинг устига келиб, бир сиқим тупроқни олдилар ва: Юзлар хунук бўлди деб, тупроқни уларнинг устига сочиб юбордилар. Кимга ўша тупроқдан бир зарра теккан бўлса, Бадр кунда кофир ҳолида ўлди». Аҳмад ривояти.

Булар Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбари ﷺни ҳимоя қилгани тўғрисидаги айрим мисоллардир. Буларнинг барчаси Ул зотнинг пайғамбарлигига, Аллоҳ Таоло Ул зотни қўллаб-қувватлашига ва ҳимоя қилишига гувоҳлик беради. ◻

ҲАНЗАЛА ИБН АБУ ОМИР... УҲУД КУНИДА ФАРИШТАЛАР ТОМОНИДАН ЮВИЛГАН САҶОБА

Ҳанзала ибн Абу Омир ким?


Ҳанзала  Амр ёки Ибн Амр деб номланган ва жоҳилият замонида Роҳиб деб ҳам чақириладиган Абу Омирнинг фарзандидир. Унинг онаси Рубоб бинти Молик ибн Амр ибн Азиз ибн Молик ибн Авф ибн Амр ибн Авфдир... Унинг отаси Пайғамбарлик юборилиши ва Ҳаниф дин ҳақида кўп гапирар, оламлар Роббиси томонидан юбориладиган элчини кутар ҳамда роҳиб ва ахборлардан унинг сифатини сўрар эди. Росулulloҳ  пайғамбар бўлгач эса, Абу Омир ул зотга ҳасад қилиб, ул зотдан нафратланди. Шунингдек, Муҳаммад  Аллоҳ томонидан элчи эканини тан олишдан бош тортди... Абу Омир Росулulloҳ  билан суҳбат қурган бир мажлисда, у зотни ёлғончиликда ва тухматда айблади ҳамда соф дин билан бошқа динларни аралаштириб юборди. Росулulloҳ  эса соф динни олиб келганини ва ахборлар хабар берган омонат сифатларига эга эканини айтди. Абу Омир эса Пайғамбаримизни ёлғончига чиқарди. Шунда Росулulloҳ  ёлғончи ёлғиз ва ташландиқ ҳолда ўлади деб, унга «Абу Омир Фосиқ» деган исмни қўйди. Росулulloҳ  ҳижрат қилган кунлари Абу Омир Қурайш етакчилари билан учрашди ва уларни ва аҳилларини Росулulloҳни ўлдиришга тарғиб қилди ва улар билан бирга бўлишга ҳамда уларга ёрдам беришга ваъда берди.

Абу Омир Маккада қолди, мусулмонлар Росулulloҳ нинг етакчилигида Маккани фатҳ қилгач, Румга қочиб кетди. Аллоҳ Таоло унинг даъвосини ўзига қайтарди. Чунки у ғариб, ёлғиз ва ташландиқ ҳолда ўлди. Аммо унинг ўғли Ҳанзала эса Росулulloҳ нинг ҳижрат кунлари ансорлардан бўлган қавми билан бирга Исломга кирди. Ҳанзала отасининг қилган ишидан норози бўлиб, Росулulloҳ дан уни ўлдириш ҳақида сўраган эди. Лекин Росулulloҳ  уни отасини ўлдиришидан қайтарган эдилар. Дарҳақиқат, Ҳанзала бошқалар етмаган шарафга етган... У Росулulloҳга яқин инсонга айланди, ул зот эса Ҳанзала ва Шамос ибн Усмон ибн Рошид Маҳзумийни биродар қилиб қўйди ва икковлон кундан-кунга Росулulloҳ га яқинлашишди... Ҳанзала Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг қизи Жамилага уйланди ва Жамиладан Абдуллоҳ исмли ўғил фарзанд кўрди. Абдуллоҳ ибн Ҳанзала ибн Абу Омир Ҳарра кунида шаҳид бўлган.



Ҳанзала нинг Уҳуд ғазотида шаҳид бўлиши:



Уҳуд ғазоти ҳижратнинг учинчи йилида содир бўлди. Уҳуд Мадинанинг Шимолий Ғарбида жойлашган тоғ бўлиб, оралиқ масофа

3 милни ташкил қилади. Пайғамбаримиз ﷺ саҳобалар билан маслаҳатлашганидан кейин, Мадина ташқарисига чиқиб жанг қилишга жазм қилдилар. Уҳуд олдига қўшинни жойлаштириб, 50та камончини тоғнинг устида туришларини тайинладилар. Икки тараф тўқнашгач, мушриклар чекина бошлади. Шунда камончилар ғаниматларга қизиқиб, уни олиш учун шошиб қолишди. Бунни кўриб турган ва Исломдан олдин мушриклар қўшини қўмондони бўлган Холид ибн Валид тоғда оз сонли камончилар қолганини кўргач, мусулмонлар қўшинининг ортидан ҳужумга ўтди. Натижада мусулмонлар саросимага тушиб, бир-бирига зарба бера бошлади. Шундай қилиб улар мағлубиятга учраб, улардан 70 нафари шаҳид бўлди. Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳадисда ушбу ғазотда бўлган айрим ҳодисалар ҳақида бундай дейди: «Одамлар Росулulloҳ ﷺ атрофидан қочиб, ул зотдан узоқлашиб кетишди. Ҳатто айримлари Мадинанинг чеккасидаги тоққа қочишган эди, лекин бир оз муддатдан кейин улар Росулulloҳ ﷺ олдига қайтишди.



Жангда Ҳанзала Абу Суфён ибн Харб билан тўқнашди. Ҳанзала у билан курашиб, унинг устига чиқиб олган эди, лекин мушриклардан бўлган Шаддод ибн Асвад Ҳанзала ни орқа тарафидан қиличи билан зарба бериб қатл қилди. Ҳанзала Абу Суфённи ўлдиришига оз қолган эди. Лекин у нажот топди. Ушбу жанг якунида Росулulloҳ ﷺ: «Биродарингизни фаришталар ювмоқда» дедилар. Ваҳоланки шаҳидлар ювилмайди. Росулulloҳ ﷺ: Уни аёли (яъни Жамила бинти Убай ибн Салул)дан сўранглар деди. Саҳобалар уни жиҳодга чиқаётган пайтда қандай аҳволда бўлганини ва фаришталар уни нима учун ювишгани сабабини сўрашди. Шунда Жамила: «У Жиҳодга бўлган чақириқни эшитибок, жунуб ҳолатда чиқиб кетган эди», деб жавоб берди. Яъни аёли билан алоқа қилганидан кейин, шошганича, ҳатто жанобатдан ғул қилмасдан, жиҳодга чиқиб кетган, деди. Жанобатли киши деб аёли билан алоқада бўлган ёки ихтилом бўлган ёки шаҳват билан маний тўккан кишига айтилади. Жанобат – ижтинобдан, яъни узоқлашишдан олинган. Чунки у покланмагунича намоз ва ибодатлардан узоқлашиб туради. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ: **«Уни фаришталар ювмоқда»**, дедилар. Демак Фаришталар уни юганининг сабаби у жунуб ҳолатида бўлган эди. Пайғамбаримизнинг сийрати китобида уни «Фаришталар ювган киши», деб лақабланади. Унинг бундай лақаб олиши катта шарафдир.

Уҳуд ғазоти тугагач, Пайғамбаримиз ﷺ ярадорлар ва шаҳидларнинг ҳолидан хабар олдилар. У зот Аллоҳ йўлида жонлари узилган энг яхши саҳобалар, жумладан Ҳамза ибн Абдулмутталиб,

Муъсаб ибн Умайр, Саъд ибн Робеъ, Анас ибн Назир, Ҳанзала ибн Абу Омир ва бошқа ларни кўрдилар ва «Мен қиёмат кунни бу одамларга гувоҳ бўламан» дедилар ва уларни қонлари билан дафн қилишга буюрдилар. Уларга жаноза ўқилмади ва ювилмади. Бухорий ривояти. Воқидий айтади: «Ҳанзала Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг қизи Жамилага уйланган эди. Эртаси кунни Уҳуд жанги бўладиган тунда Жамила унинг олдига кирди. Ҳанзала Росулulloҳ дан унинг ёнида қолиш борасида рухсат сўраган бўлиб, У зот унга рухсат берган эдилар. Бомдод намозини ўқиб бўлгач, Росулulloҳнинг олдига кетмоқчи бўлган эди, Жамила уни ушлаб қолди. Шунда у Жамила билан қолиб, жунуб бўлиб қолди сўнгра ғазотга чиқиб кетди».

Жамила бундан олдин ўз қавмидан бўлган тўрт кишига элчи юбориб, Ҳанзала унинг олдига кирганига гувоҳлик берган эди. Ундан нима учун гувоҳлик бердинг, деб сўрашганиди. У: «Тушимда гўё осмон очилиб, Ҳанзала унга кириб кетди ва кейин у ёпилиб қолди ва мен таъбир қилдимки, бу шаҳодатдир, мана шунга кўра Ҳанзала мен билан бўлганига гувоҳлик беришни хоҳладим»... деб жавоб берди. Сухайлий, Воқидий ва бошқалардан ривоят қилишича, Ҳанзалани ўлганлар орасидан қидириш учун одам юборилди, улар Ҳанзалани бошидан сув томчиётган ҳолда топишди. Лекин унинг яқинида сув йўқ эди. Бу Росулulloҳ нинг: **«Биродарингизни фаришталар ювмоқда»**, деган сўзининг тасдиқи эди. Фаришталарнинг ювиши Ҳанзала нинг фазилати ва унга бўлган эҳтиромдир. Минавий айтади: «Фаришталар Ҳанзалани ювиши бу шарафдир ва бунга, шаҳидларни ювишни ман қилган хабарлар зид эмас. Чунки шаҳидни ювишдан ман қилиш одам фарзандларидан бўлган мукаллафларга қаратилган».

Ҳанзала Авснинг фахридир:

Анас дан ривоят қилинишича, ансорларнинг икки жамоаси: Авс ва Хазраж фахрланиб, Авс қабиласидан бўлган кишилар айтдики, Фаришталар ювган Ҳанзала ибн Роҳиб (Ҳанзала ибн Абу Омир) биздан, Раҳмоннинг арши уни деб титраган Саъд ибн Муоз биздан, асаларилар ҳимоя қилган Осим ибн Собит ибн Абу Афлаж биздан ва гувоҳлиги икки кишига ўтадиган Хузайма ибн Собит биздан дейишди. Шунда хазражликлар: Қуръонни ҳали ҳеч ҳеч ким жамламай туриб, (яъни тўлиқ ёдламай туриб (ва Аллоҳу аълам)) Росулulloҳ нинг даврида Қуръонни жамлаган тўрт киши, Зайд ибн Собит, Абу Зайд, Убай ибн Каъб ва Муоз ибн Жабал биздан деб фахрланишди». □

ҲИНДИСТОН КАШМИРДА (ИСРОИЛ)НИНГ ТУРАР ЖОЙ ҚУРИШ МУСТАМЛАКАЧИЛИҚДАН АНДОЗА ОЛМОҚДА

Британиянинг «Middle East Eye» сайтида Кашмир минтақасида Ҳиндистон билан «Исроил» ўртасидаги тобора ўсиб бораётган ҳамкорлик ёритилган. Сайтга кўра, ушбу ҳамкорлик Ҳиндистонни баҳсли Кашмир минтақасидаги мавжудлигини мустаҳкамлашга ҳамда (Исроил)нинг турар жой қуриш мустамлакачилик лойиҳасини тезлаштиришга қаратилган. (Исроил) ўзининг ушбу лойиҳаси билан Кашмирни ҳақиқий Фаластинга айлантиришда Ҳиндистонга ёрдам бермоқчи. Айни пайтда (Исроил) Покистон билан биргаликда ушбу ҳудудларда деҳқончилик ниқоби остида ерларни ўрганмоқда. Сайт Арабий 21 томонидан таржима қилинган ўз ҳисоботида айтишича, Ҳиндистоннинг (Исроил) расмийларини мунозарали Кашмир ҳудудига таклиф қилиш қарори маҳаллий аҳоли ва экспертлар орасида хавотир уйғотган. Нью-Деҳли минтақанинг асл сақофати ва географиясини алмаштиришга уринишда айбланган. (Исроил) ҳукуматининг эълон қилишича, Ҳиндистон Кашмирида (Исроил) технологиясини фермерларга ўтказишни осонлаштирадиган «Инновацион тажриба марказлари» барпо этилади. Бу эса ҳукумат, академиклар ва фермерлар ҳамкорлик қилиши ва бир-бирдан сабоқ олиши учун учрашув нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Сайтнинг хабар беришича, Нью-Йоркдаги юқори мартабали ҳинд дипломати бир неча ой олдин бир неча ҳиндлар ва Кашмирлик ҳиндлар гуруҳига Ҳиндистон Кашмирида (Исроил)нинг турар жой қуриш моделини қўллаши кераклигини айтган...

Бошқа томондан, сайт Кашмир аҳолиси орасида фаластинликлар билан бирдамлик чуқурлашиб бораётганини қўшимча қилди. Зеро, аҳоли «Ғазога озодлик» ва «Яшасин Фаластин» каби шиорларни кўтарган. Шунингдек, Ҳиндистон ва (Исроил) ўртасидаги алоқалар сўнгги йилларда, айниқса, бош вазир Нарендра Моди лавозимга келганидан кейин анча мустаҳкамланганини айтган. Зеро, икки давлат ўртасидаги қурол савдосининг қиймати йилига бир миллиарддан ошади. Нью-Деҳли (Исроил) қурол-яроғининг энг йирик харидори ва уларни биргаликда ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Сайтнинг қайд этишича, Ҳиндистон конституциясида Кашмирнинг алоҳида мақоми белгилаб қўйилган 370 модда билан 35-а пунктнинг бекор қилиниши ҳиндлар энди Кашмирида ер сотиб олиб, штатда доимий муқим бўлиб яшашлари мумкинлигини ҳам англатади.

Кашмирликлар ўнлаб йиллар давомида Хавфсизлик кенгашининг 1948 йилдаги 47-сонли резолюциясида ваъда қилинган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини талаб қилиб келади. 1988 йилдаги қўзғолон бошлангандан бери минглаб бедарак йўқолганлардан ташқари 70000дан ортиқ одам ўлдирилган. Водийда 700000 мингга яқин ҳинд аскарлари борлиги тахмин қилинмоқда, бу эса Кашмирни ер юзидаги энг ҳарбийлашган минтақалардан бирига айлантиради. Middle East Eyeнинг айтишича, Ҳиндистон бўйлаб 12та штатда Исроилга қарашли 29та Инновацион тажриба марказлари мавжуд. (Исроил)нинг Ҳиндистондаги элчиси 2020 йилда (Исроил) ҳукуматида кўра, атиги бир йил ичида 150000 ҳинд фермерлари ушбу марказларда таълим олганини айтган.

Ал-Ваъй: Дунёнинг қаерида мусулмонларга нисбатан душманликни кўрсангиз, бунда (Исроил)нинг қўли борлигига гувоҳ бўласиз. Уларнинг қўллари қуриб, қилаётган ишлари сабабли ланнатга учрагайлар. Яқинда инша Аллоҳ Исломий Халифалик давлати билан Аллоҳ Таоло уларни йўқ қилгай. □

ҚИЛИЧДОРЎҒЛИ ВА УНИНГ БАҲС-ЖАНЖАЛЛАРГА САБАБ БЎЛГАН АМЕРИКАЛИК МАСЛАҲАТЧИСИ

Туркиядаги Жумҳурият халқ партияси раҳбари Вашингтонга йўллаган мактубида агар олти партиялик иттифоққа номзод этиб сайланса ва сайловларда ғалаба қозонса, АҚШлик кишилар билан ҳамкорлик қилишга ваъда берган. Шу муносабат билан, ўтган ой охирида Жумҳурият халқ партияси раҳбари Камол Қиличдорўғли «Иккинчи аср қарашлари»ни эълон қилди. Шунингдек, социология ва иқтисод соҳасидаги америкалик тадқиқотчи Жерми Рифкинни ўзига маслаҳатчи қилиб олиш борасида у билан келишиб олганини ҳам очиқлади. Эътиборлиси, Рифкин аввалроқ 2008 йилда Франция Европа Иттифоқига раислик қилган даврда француз ҳукуматида, Германия канцлери Меркелга, Португалия бош вазири Жозе Сократешга ва Словения бош вазири Янез Яншага ҳам маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Унинг келиб чиқиши АҚШнинг Техас штатида кўчиб келган яҳудий оиласига бориб тақалиб, уни машҳур Рокфеллер оиласи қўллаб-қувватлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қиличдорўғли президентлик сайловларида олти партия иттифоқидан муштарак номзод сифатида қатнашишга қаттиқ интилмоқда. Бироқ, у ҳали ҳам Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган билан рақобатлаша олишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларга дуч келмоқда. Чунки муҳолифат коалицияси ҳали бир қарорга келмаган. Унга маслаҳатчи танлашда ҳам қийинчиликлар бор. Чунки «Ийи» партияси раҳбари Мерал Акшенер Жумҳурият Халқ партияси раҳбаридан унинг номзодини республика президентлигига тасдиқлаш эвазига иқтисод папкасини унинг партиясига беришини талаб қиладигани ҳақида хабарлар бор. Агар Қиличдорўғли бу шартни қабул қилса, унга иқтисодий маслаҳатчи керак бўлмайди. Агар қабул қилмаса, номзоди қўйилмайди ва шунинг учун унинг Рифкин билан келишуви ҳеч қандай маънога эга бўлмай қолади.

Бу тайинлаш мамлакатда баҳс мунозараларни уйғотди ва Туркияда кенг танқидларга сабаб бўлди. Шунинг учун Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган: «Туркиянинг ўз иқтисодий дастурига эътибор қаратиш ўрнига, импорт қилинган иқтисодий комиссарликларга таянганлар бу давлатнинг келажагини бошқара олмайди», деди.

Ал-Ваъй: Мусулмонларнинг ҳокимлари малайликка шўнғиб кетган, улар барчанарсада халқ манфаатини эмас, ўз манфаатини ўйлайди. Шунингдек, халқни буюк давлатлар, хусусан Америкага боғлайди... Бу хабарга изоҳ берган Эрдоганнинг аҳволи Қиличдорўғлидан устун эмас. Чунки у Американинг минтақадаги сиёсатида аъло даражада хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда масала улар ўртасида Америка розилигини олиш учун бўлаётган рақобат масаласидир. Эрдоган миллий хавфсизликни баҳона қилиб, суриялик қочқинларни ўз ватанига қайтариш ва Сурия режими билан муносабатларни тиклашга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, турк қўшинлари Суриянинг шимолий қисмини тарк этишини ва Сурия режими ўз муассасалари билан уларнинг ўрнини эгаллашини назарда тутувчи келишувдан кейин кўрдлар яшайдиган ҳудудлар устидан режимнинг назоратини осонлаштиришга ҳаракат қилмоқда. □